БУГУНГИ СОНДА:

Ёвон ноҳияси Миллий бирлик байрамини ўтказишга тайёрланмоқда 3

Ливан ва Сурия тоғли ҳудудларида террорчилар ўзаро жанг қилмоқдалар 6

Мамлакатда тадбиркорлик ривожланишига тўсиқ бўлаётган муаммолар 8

ХАЛҚ ОВОЗИ

Тожикистон Республикаси Ҳукумати нашри

№ 22 (20026) 2017 йил 1 июн.

Газета 1929 йил феврал ойидан чиқа бошлаган

РАМАЗОН - ЭЗГУ АМАЛЛАР РЎЁБИ ВА ИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР БУНЁДИ

Миллат пешвосининг муқаддас Рамазон ойи кириб келиши муносабати билан йўллаган табриги

26 май 2017 йил, Душанбе шаҳри.

Азиз ватандошлар!

Эртага муқаддас Рамазон ойи – сабр-тоқат, чидамлилик, матонату парҳезкорлик фурсати етади.

Шу муносабат билан барчангизни табриклаб, ушбу муқаддас ойда ҳар бирингизнинг оилангизга қут-барака ва хотиржамлик тилайман.

Турли дин ва оқимлар, айниқса, муқаддас Ислом дини издошлари учун Рамазон рўзаси руҳнинг вуждудан устунлиги, ёмон амаллардан тийилиш маъносини англатади.

Рўза иродани мустаҳкамлашдан ташқари, инсонни ҳаққонийлик, хушкорлик ва, умуман, яхши амалларни бажаришга ундайди.

Шунинг учун, муқаддас Ислом динининг асосларидан бири ҳисобланган мубарак Рамазон ойининг рўзаси нафсни тийишнинг мукаммал шакли ҳисобланади.

Мубарак Рамазон ойи ва рўза тутиш эзгу ва яхши ишларга қўл уриш, жумладан, эҳтиёжмандларга ёрдам бериш даври саналади.

Яқинлар ва атрофдагиларга илтифотли бўлиш, ҳолдан тойганларга қўл чўзиш, имкон қадар етимлар, ногиронлар, камтаъминланган оилалар, қаровчисиз қолган кишиларга ёрдам бериш, ҳар қандай номаъқул амаллардан тийилиш, яхши муомала, илиқ муносабат, ўзини яхши тутиш ва бошқа ўнлаб инсоний қадриятларга амал қилишнинг зарурлиги бу муқаддас ойда эътироф этилган.

2

ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ФАРМОНЛАРИ

А. Амируллони Хатлон вилояти Қўрғонтепа шаҳри раиси вазифасидан озод этиш тўғрисида

Тожикистон Республикаси Конституциясининг 69-моддасига биноан ***фармон бераман:***

Амирулло Асадулло бошқа ишга ўтганлиги сабабли, Хатлон вилояти Қўрғонтепа шаҳри раиси вазифасидан озод этилсин.

Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали РАҲМОН,

Душанбе шаҳри, 30 май 2017 йил.

№881.

***

А. Исмоилзодани Хатлон вилояти Қўрғонтепа шаҳри раиси вазифасини ижро этувчи қилиб тайинлаш тўғрисида

Тожикистон Республикаси Конституциясининг 69-моддасига биноан ***фармон бераман:***

Исмоилзода Абдуалим Хатлон вилояти Қўрғонтепа шаҳри раиси вазифасини ижро этувчи қилиб тайинлансин.

Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали РАҲМОН,

Душанбе шаҳри, 30 май 2017 йил.

№882.

***

А. Исмоилзодани Хатлон вилояти Шаҳритуз ноҳияси раиси вазифасидан озод этиш тўғрисида

Тожикистон Республикаси Конституциясининг 69-моддасига биноан ***фармон бераман:***

Исмоилзода Абдуалим бошқа ишга ўтганлиги сабабли, Хатлон вилояти Шаҳритуз ноҳияси раиси вазифасидан озод этилсин.

Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали РАҲМОН,

Душанбе шаҳри, 30 май 2017 йил.

№883.

***

Р. А. Оймаҳмадзодани Хатлон вилояти Шаҳритуз ноҳияси раиси вазифасини ижро этувчи қилиб тайинлаш тўғрисида

Тожикистон Республикаси Конституциясининг 69-моддасига биноан ***фармон бераман:***

Оймаҳмадзода Рамазон Алихон Хатлон вилояти Шаҳритуз ноҳияси раиси вазифасини ижро этувчи қилиб тайинлансин.

Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали РАҲМОН,

Душанбе шаҳри, 30 май 2017 йил.

№884.

***

Р. А. Оймаҳмадзодани Хатлон вилояти Носир Хусрав ноҳияси раиси вазифасидан озод этиш тўғрисида

Тожикистон Республикаси Конституциясининг 69-моддасига биноан ***фармон бераман:***

Оймаҳмадзода Рамазон Алихон бошқа ишга ўтганлиги сабабли, Хатлон вилояти Носир Хусрав ноҳияси раиси вазифасидан озод этилсин.

Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали РАҲМОН,

Душанбе шаҳри, 30 май 2017 йил.

№885.

***

Н. Т. Садриддинзодани Хатлон вилояти Носир Хусрав ноҳияси раиси вазифасини ижро этувчи қилиб тайинлаш тўғрисида

Тожикистон Республикаси Конституциясининг 69-моддасига биноан ***фармон бераман:***

Садриддинзода Нуриддин Талбак Хатлон вилояти Носир Хусрав ноҳияси раиси вазифасини ижро этувчи қилиб тайинлансин.

Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали РАҲМОН,

Душанбе шаҳри, 30 май 2017 йил.

№886.

"Ховар" ТМАА.

Элчихонада симпозиум

Тожикистон Республикасининг Берлин шаҳридаги элчихонасида Германия олийгоҳларида таҳсил олаётган бир гуруҳ тожикистонликлар Ёшлар йили муносабати билан симпозиум ўтказишди.

Симпозиумда давлат ва Тожикистон Республикаси Ҳукумати, хусусан, Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон раҳбарлигининг биринчи кунлариданоқ ёшлар ва ёшлар давлат сиёсатига алоҳида эътибор қаратгани зикр этилди. Миллий давлат бунёд этишнинг барча даврларида Миллат пешвоси ҳар доим мамлакат ёшларига таяниб, уларни республика сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётида фаол иштирок этиш ва мустақил Тожикистон тараққиётига ҳисса қўшишга чорлади.

Тожикистон ва Германия дўстлик жамияти раиси Александр Хайзер сўзга чиқиб, ёшларни касбу ҳунар ўрганишга чақирди.

Симпозиумда келажак бунёдкорлари бўлган бу авлод олдида катта масъулият - юқори малакали мутахассис бўлиб, ўз давлату миллатига фарзанд сифатида хизмат қилиш тургани зикр этилди.

"Миллий бирлик оналари" карвони

Миллий бирликнинг 20 йиллиги байрами муносабати билан республикамизнинг 100 нафардан зиёд аёллари жалб этилган "Миллий бирлик оналари" карвони Вахдат шаҳрига етди. Бу ҳақда Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги Хотин-қизлар ва оила комитетидан хабар беришди.

Мазкур карвонга Тоғли Бадахшон мухтор вилояти, Суғд ва Хатлон вилоятлари хотин-қизлар ва оила билан ишлаш бошқармалари бошлиқлари, Тинчликпарвар аёллар кенгаши намояндалари ва "Сарвар қизлар мактаби" курси тингловчилари киритилган.

Карвон ҳайъати Вахдат шаҳрининг бешта жамоати, жумладан, Чўянгарон, Б. Буруное, Гулистон каби қишлоқ жамоатлари, Нўъмон Розиқ номли шаҳарчада жойлашган ҳарбий қисмда суҳбату учрашувлар ўтказишиб, Давлат бошлиғининг муносиб хизматлари, Миллий бирликнинг 20 йиллида эришилган ютуқларни тарғибу ташвиқ қилиб, мамлакатда тинчлигу барқарорлик устуворлиги борасида мулоҳаза юритишди.

Катта иқтидорга эга трансформатор

Жорий йилнинг 28 май куни 450 мегавольт-ампер иқтидорга эга ва умумий вазни 214 тоннани ташкил қилувчи трансформатор "Норак" гидроэлектростанциясига олиб келинди.

"Барқи Тожик" ОҲҲКдан маълум қилишларича, бу муҳим энергетик ускуна Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, мамлакат Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг кўрсатма ва топшириқлари асосида 2006 йили бошланган Норак гидроэлектростанциясини реконструкция қилиш доирасида Германия ва Франция мутахассислари ҳамкорлигида Туркиянинг Гебезе шаҳрида тайёрланган.

Таъкидлаш жоизки, бу ускунани ўрнатиш гидроэлектростанциянинг иш гилдираклари аллақачон алмаштирилган 8-агрегати тўлиқ қайта тикланиб, йирик гидроэлектростанциямиз лойиҳавий иқтидори доирасида мамлакат аҳолиси ва халқ хўжалигини сифатли энергия билан таъминлашга имконият яратади.

Яқин кунларда трансформаторни ўрнатиш ишлари бошланади.

ОАВ асосида Г. Аюпова тайёрлади.

Муштарак комиссия мажлиси

Кобул шаҳрида Тожикистон Республикаси ва Афғонистон Ислом Республикаси ўртасида иқтисодий, тижорат, ижтимоий ва техник ҳамкорликларга доир муштарак комиссиянинг мажлиси бўлиб ўтди.

Келишув ва V протокол бандлари ижроси, икки мамлакатнинг сўнгги уч йил мобайнидаги ҳамкорликлари муҳокамаси чоғида давлатларнинг дўстона муносабатлари барча соҳаларда ривожланаётгани зикр этилди.

Икки мамлакат ҳамкорликлари ривожланиб, 2017 йилнинг тўрт ойида маҳсулот айирбошлаш ўтган йил шу даврига нисбатан икки бараварга ошган.

Сўнгра икки мамлакат ҳайъатлари ҳамкорлик йўналишлари, нуқталари ва аниқ ташаббусларини муҳокама этишиб, комиссиянинг VI протоколини барча соҳаларни қамраб олувчи муҳим ҳужжат сифатида ишлаб чиқишди.

Бу ҳужжатда энергетика, темир йўл, транзит, маданий, иқтимоий алоқалар, ҳамкорлик дастурлари ва ташаббусларини амалга татбиқ этиш масалалари афзалиятли йўналишлар сифатида қайд қилинди.

Комиссия протоколи ҳамраислар томонидан имзоланди.

Ватан ҳимояси - муқаддас вазифа

Хатлон вилоятига иш сафари доирасида мамлакат Ички ишлар вазири, милиция генерал-лейтенанти Рамазон Раҳимзода Тожикистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ички қўшинлар бошқармаси 3503-ҳарбий қисми офицеру аскарлари билан Ёшлар йили ва Миллий бирликнинг 20 йиллигига бағишлаб учрашув ўтказди.

Вазирликдан хабар беришларича, Ички ишлар вазири бу ҳарбий қисм офицерлару аскарларнинг хизмат ва фаолияти шароити билан танишиб, соҳа масъулларига хизмат шароитларини янада яхшилаш борасида топшириқлар берди.

"Хизмат учун бундай яхши шароитларни яратиш ҳар бир офицер ва аскардан мамлакат ободлиги, тинчлигу осойишталиги йўлида чин дилдан хизмат қилиб, зиммаларидаги вазифаларни шараф ва ватанпарварликнинг юксак ҳиссси ила бажаришларини тақозо этади. Зеро, Ватан ҳимояси, тинчлигу осойишталикни таъминлаш, чегара ва мамлакат аҳолисини ҳимоялаш Тожикистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг муқаддас вазифаси ҳисобланади",- деди Ички ишлар вазири.

Фаоллар Миллат пешвоси сиёсатининг тарафдори

Хатлон вилояти студентлари ва ёш фаоллари Миллат пешвосининг сиёсатини ҳар доим қўллаб-қувватлашлари ва Ватан тараққиёти-ю гуллаб-яшнашига ўз ҳиссаларини қўшишларини айтишди. Бу ҳақда улар мамлакат Ички ишлар вазири Рамазон Раҳимзода билан Ёшлар йили ва Миллий бирликнинг 20 йиллигига бағишланган учрашувда зикр этишди.

Ички ишлар вазирлигининг матбуот марказидан маълум қилишларича, Р. Раҳимзода мамлакат Ҳукумати мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ ёшлар сиёсатига алоҳида эътибор қаратиб келаётганини таъкидлади.

"Ёшлар - бу фаоллар, улар ўзини тутиш, маданият, нутқ, таълим-тарбиялари билан бошқаларга ўрнак бўлишлари, ўз тенгдошларини яхши ишларни амалга оширишга чақиришлари керак",-деди Ички ишлар вазири.

Студентлар ва ёшлар билан очиқча суҳбатда Рамазон Раҳимзода уларни ўқиш, билимларини ошириш, балоғатга етмаганлар ва ёшлар орасида салбий ҳодисалар, ҳуқуқбузарликлар ва мунозаралар юз беришининг олдини олиш ҳамда жиноятчиликка қарши курашга ҳисса қўшишга чақирди.

РАМАЗОН - ЗЗГУ АМАЛЛАР РУЁБИ ВА ИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР БУНЁДИ

1

Бундан ташқари, саховату ҳимматлилик, эзгу ва муносиб амалларга қўл уриш, шунингдек, исрофгарчиликлар ва дабдабали тадбирлар маросимлар ўтказишдан тийилиш муқаддас Ислом динида муҳим амаллардан ҳисобланади.

Бу масала Аллоҳнинг самовий китобида ҳам қайд қилинган: «Ҳаддан ташқари исрофгарчилик қилма. Ҳақиқатдан ҳам, исрофгарлар – шайтоннинг биродарларидирлар».

Шу сабабли, фитр садақаси жамиятнинг эҳтиёжманд қатламини қўллаб-қувватлашнинг муҳим йўлларидан бири эканлигини таъкидлаш жоиздир.

Рўза эҳсони ёки фитр садақасини биз бойлар ва мулкдорлар, уламолар ва диний арбоблларга эмас, балки эҳтиёжмандлар, етимлар ва ногиронларга беришимиз, бу ишда ҳам исрофгарчиликка йўл қўймаслигимиз керак.

Яъни эҳтиёжмандлар ва камтаъминланганларга эътибор рўзанинг муҳим асосларидан бири ҳисобланади. Агар мол-мулкка эга бўлган кишилар бундай кишиларга муҳаббат ва илтифотларини кўрсатишиб, етимларни тарбиялаш, кишилар муаммо ва мушкулликларини ҳал этиш каби эзгу ишларга башардўстона ҳиссаларини қўшишга интилсалар, жамият аъзолари орасида дўстлик, муҳаббат, шаффофлик ва саммиият туйғулари ҳукмрон бўлади ва мустаҳкамланади.

Шунингдек, бирорта аҳоли нуқтасига сув келтириш, мактаб ёки тиббий муассаса қурилиши ёки таъмирланиши, йўл участкаларини қайта тиклаш ва бошқа шу каби эзгу амаллар одамлар мушкулликларини анча енгиллаштиради.

Жорий йилги Рамазон ойи азиз ватандошларимиз учун ҳам эзгу ишларни амалга ошириш онларига айланишига ишонч билдирган ҳолда, мамлакатимизнинг барча халқларини муборак Рамазон ойи кириб келиши муносабати билан яна бир марта табриклайман ҳамда Ватанимизнинг ҳар бир фуқаросига оилавий фаровонлик, кут-барака, саломатлик, олийжимматлилик ва бахту саодат тилайман.

Муқаддас Рамазон ойи сайёрамиз ва мамлакатимизнинг ҳар бир оиласида тинчлик, барқарорлик, хотиржамлик ва фаровонлик мустаҳкамланишига ҳисса қўшсин.

Муқаддас Рамазон ойи қутлуғ бўлсин, азиз юртдошлар!

«Ховар» ТМАА.

ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ

26 май куни Миллат қасрида Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон бошчилигида Тожикистон Республикаси Ҳукуматининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда дастлаб кадрлар масаласи кўриб чиқилди.

Сўнгра Хатлон вилояти Панж ноҳияси раисининг Тожикистон Республикаси «Давлат ҳокимияти маҳаллий органлари тўғрисида»ги конституцион қонуни ва «Шаҳарча ва қишлоқлар ўз-ўзини бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуни ижросини бориши ҳақидаги ҳисоботи тингланди.

Хатлон вилояти Бохтар ноҳияси Исмоил Сомоний шаҳарчаси ва Хатлон вилояти Жайҳун ноҳияси Дўстий шаҳарчаси Бош режаси тўғрисида Бохтар ва Жайҳун ноҳиялари раисларининг ҳисоботлари тингланди.

Давлат бошлиғи муҳтарам Эмомали Раҳмон давлат ҳокимияти Панж, Бохтар ва Жайҳун ноҳиялари маҳаллий ижроия органлари раҳбарияти диққатини ердан самарали фойдаланиш, дала ишларини кенгайтириш, озиқ-овқат маҳсулотларини захира қилиш, қурилиш ва бунёдкорлик ҳамда давлат ва Тожикистон Республикаси Ҳукумати раҳбариятининг бошқа кўрсатма-ю топшириқларини ўз вақтида ижро этиш масалаларига қаратди.

Мажлисда бир қатор қонун лойиҳалари, жумладан, «Тожикистон Республикасининг «Тожикистон Республикаси Олий Мажлис тўғрисида»ги конституцион қонунига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги конституцион қонун лойиҳаси тўғрисида», «Тожикистон Республикасининг «Тожикистон Республикаси Олий Мажлисининг Тожикистон Республикаси Олий Мажлиси Намояндалар мажлисига кўриб чиқиш учун жўнатилди.

Шунингдек, Тожикистон Республикаси Ҳукуматининг Тожикистон Республикаси Тожикистон Республикасининг «Милиция тўғрисида»ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» ҳамда «Тожикистон Республикасининг «Теэкорқидирув фаолият тўғрисида»ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаларига хулосаси ҳам Намояндалар мажлисига кўриб чиқиш учун жўнатилди.

Тожикистон Республикаси Ҳукумати аъзолари, шунингдек, Ҳукуматнинг «Тожикистон Республикаси Фанлар академияси қошида Инновацион технологиялар тадқиқот маркази» давлат муассасасини таъсис этиш тўғрисида», «Ёш мутахассисларни ишга жойлаштириш тақсимоти ва иш ўринлари билан таъминлаш тўғрисида», «Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги Ёшлар ва спорт ишлари бўйича комитет тўғрисида», «Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги сайёҳликни ривожлантириш бўйича комитет тўғрисида», «Тожикистон Республикасида 2017-2021 йилларда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш комплекс дастури тўғрисида» ҳамда «Тожикистон Республикасида 2017-2021 йилларда футболни ривожлантириш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари лойиҳаларини ҳам кўриб чиқишди.

Мажлис охирида Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Ҳукумати Раиси муҳтарам Эмомали Раҳмон вазирликлар, идоралар, давлат ташкилотлари ва муассасалари раҳбарлари, мамлакат вилоятлари, шаҳарлари ва ноҳиялари раисларига ободончилик ва бунёдкорлик, такрорий экин ишларини кенгайтириш, ҳосил йиғиштириш, ички бозорни сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш, Рамазон ойи кунларида нархлар кўтарилиши олдини олиш, ушбу кунларда эзгу амалларга кўп уриш, айниқса, эҳтиёжмандлар ва қаровсизлиз қолганларга ёрдам бериш борасида аниқ кўрсатма ва топшириқлар берди.

«Ховар» ТМАА.

МИЛЛАТ ПЕШВОСИ БИР ҚАТОР ҚОНУНЛАРНИ ИМЗОЛАДИ

30 май куни Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Намояндалар мажлиси томонидан қабул қилинган ва Миллий мажлис томонидан маъқулланган бир қатор қонунларни имзолади.

Тожикистон Республикасининг "Рақобат ҳимояси тўғрисида", "Сейсмик хавфсизлик тўғрисида", "Меъёрий-ҳуқуқий актлар тўғрисида", "Саноат соҳасида давлат сиёсати тўғрисида"ги қонунлари, Тожикистон Республикаси Соғлиқни сақлаш кодекси, "Тожикистон Республикаси Конституцион суди тўғрисида", "Тожикистон Республикаси прокуратура органлари тўғрисида"ги конституцион қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш шулар жумласидандир.

Тожикистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш кодекси Тожикистон Республикасининг "Аҳоли саломатлигини ҳимоялаш тўғрисида"ги қонун ва соғлиқни сақлаш соҳасининг бошқа қонунчилик актлари асосида қабул қилинган бўлиб, соғлиқни сақлаш соҳасида жамоатчилик муносабатларини тартибга солади ҳамда фуқароларнинг саломатликларини ҳимоялашда конституцион ҳуқуқларини таъминлашга йўналтирилган.

Мазкур кодекс соғлиқни сақлаш тизими, давлат ва хусусий тиббий фаолиятни ташкил қилиш ва амалга татбиқ этиш тартиби, тиббий ёрдам кўриниши ва шакли, ушбу соҳа кадрларини тайёрлаш, она ва болани тиббий ёрдам билан таъминлаш, жамоатчилик саломатлигини ҳимоялаш, санитар ва эпидемиологик хавфсизликни таъминлаш, фуқароларнинг алоҳида гуруҳига тиббий ёрдам кўрсатиш, соғлиқни сақлаш соҳасида давлат назорати, соҳани молиялаштириш, соғлиқни сақлаш соҳаси ходимлари ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда мазкур соҳанинг бошқа масалаларини тартибга солади.

Тожикистон Республикасининг янги таҳрирда тайёрланган ва қабул қилинган "Меъёрий-ҳуқуқий актлар тўғрисида"ги қонуни ҳуқуқ яратиш фаолиятини тартибга солиб, меъёрий-ҳуқуқий актлар ўртасида асосий принциплар, тушунчалар, турлар, тизим, ўзаро нисбат, тайёрлаш тартиби, таклифлар, қабул қилиш, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, эълон қилиш, меъёрий-ҳуқуқий актлар қайди ва қонунчилиги амалга татбиқ этишнинг бошқа масалаларини белгилайди.

Тожикистон Республикасининг "Рақобат ҳимояси тўғрисида"ги қонуни Тожикистон Республикасининг "Маҳсулот бозорларида рақобат ва монополия фаолиятини чеклаш тўғрисида"ги қонуни асосида тайёрланган ва қабул қилинган бўлиб, рақобатни ҳимоялаш ва ривожлантириш, маҳсулот бозорлари самарали фаолияти учун қулай шароит яратиш, ягона иқтисодий фазо ва озод иқтисодий фаолиятни таъминлаш муносабатларини белгилайди.

Тожикистон Республикасининг "Саноат соҳасида давлат сиёсати тўғрисида"ги қонуни давлат сиёсати мақсадлари, вазифалари ва асосий принциплари, саноат соҳаси субъектларининг давлат томонидан қўллаб-қувватланишини амалга ошириш хусусиятлари ва механизмини белгилаб, мамлакат саноат потенциали шакланишиа ва мустаҳкамланишига йўналтирилган.

Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг 2016 йил 22 декабрда Олий Мажлисга йўллаган Паёмидаги топшириқ ва кўрсатмаларининг ижроси мақсадида Тожикистон Республикасининг Солиқ ва Божхона кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган бўлиб, унга мувофиқ, сайёҳлик соҳасида фаолият олиб бораётган шахсларга имтиёзлар берилади.

Имзоланган қонунлар тинчлик ва бирликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат, ташкилот ва муассасалар манфаатларини ҳимоялаш, жиноятчиликка қарши кураш, жамоатчилик тартботини мустаҳкамлаш, иқтисодий ва ижтимоий фаолиятни ривожлантириш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини тараққий эттириш ҳамда амалдаги қонунчиликни Тожикистон Республикаси Конституциясига 2016 йил 22 майда умумхалқ референдуми орқали киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқлаштиришга йўналтирилган.

Қабул қилинган қонунларнинг тўлиқ матни мамлакат расмий нашрияларида чоп этилади.

"Ховар" ТМАА.

ДАВЛАТ БОШЛИҒИ ШАЙХ АБДУЛЛО БИН ЗОЙИД ОЛИ НАҲЁННИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

25 май куни Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Миллат қасрида Бирлашган Араб Амирликларининг Ташқи ишлар ва халқаро ҳамкорликлар вазири Шайх Абдулло бин Зойид Оли Наҳённи қабул қилди.

Давлат бошлиғи суҳбат аввалида Тожикистон Бирлашган Араб Амирликлари билан барча соҳалардаги ҳамкорликларни ривожлантириш тарафдори бўлиб, томонлар учрашув ва сўзлашувлари жараёнида олий даражада эришилган келишувларни амалга татбиқ этишдан манфаатдор эканлигини таъкидлади.

Мазмунли суҳбат чоғида Бирлашган Араб Амирликлари даражасидан қониқиш изҳор этилиб, томонларнинг халқаро ва минтақавий долзарб масалаларидаги мавқеининг ўхшаш ёки яқинлиги қайд қилинди.

Парламентлараро ҳамкорликларни мустаҳкамлаш, парламентлараро дўстлик гуруҳларни ташкил этиш, иқтисодий, тижорат ва саноатмоявий ҳамкорликларни ривожлантириш ва шу асосда Муштарак саноатмоявий фонди ҳамда Тожикистон - Бирлашган Араб Амирликлари тижорат кенгашини ташкил этиш, Тожикистонда Амирлик тижорат банкларини очиш, шунингдек, иқтисодий, тижорат ва техник ҳамкорликлар бўйича ҳукуматлараро муштарак комиссия ишини жонлантириш зарурлиги қайд қилинди.

Учрашувда, шунингдек, энергетика, жумладан, гидроэнергетика, транспорт, коммуникация, тог саноати, қишлоқ хўжалиги, Тожикистон иш кучини Бирлашган Араб Амирликларига жалб этиш ва сайёҳлик соҳасида икки томонлама ҳамкорликларни кенгайтириш ва ривожлантириш масалаларида бирдамликларини изҳор қилишди.

«Ховар» ТМАА.

Муҳожир ва ҳаёт

МУҲОЖИРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАЪРИФАТИ БАЛАНД БЎЛСА...

Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон масъул кишиларга мунтазам янги иш жойлари яратиш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш ҳақида кўрсатма ҳамда топшириқлар бериб келади.

Яқинда Кўлоб шаҳри маданият-истироҳат богида Ёшлар йилига бағишлаб бўш иш жойлари ва вазифалар минтақавий ярмаркаси ўтказилди. Тожикистон Халқ Демократик партиясининг Кўлоб шаҳри ижроия органидан хабар бершларича, ярмаркада Кўлоб минтақаси шаҳар ва ноҳияларидаги 70та корхона, ташкилот ва муассасалар 837та бўш иш жойлари ва вазифаларни тақдим этишди. Бўш иш жойлар ярмаркасида 104 киши иш жойларига ўйўлланма олди. Уларнинг 71 нафарини ёшлар ташкил этганлиги қувонарлидир. Аммо таклиф этилган 837та бўш иш жойидан фақатгина 104тасигина эгалланиб, қолган 733таси яна бўш қолганлигининг асосий сабаблари нимада? Нега бугун меҳнат муҳожирлигига отланганлар Ватанимизда ишлашни исташмайди?

Шу масалаларга ойдинлик киритиш мақсадида муҳожирлигимиз турмуш тарзлари хорижга меҳнат муҳожирлигига борди билан шакланган бир неча ватандошларимизни суҳбатга чорлади.

Неъматулло Ҳасанов, Восе ноҳияси:

- Ўрта мактабни тугатгач, кўпчилик қишлоқдошларимизга эргашиб, Россия Федерациясига меҳнат муҳожирлигига отланганман. Ўшандан бўён асосий машғулотим муҳожиратда ризқу рўз яратиш бўлиб қолган. Ёшим ўттиздан ошиб, ўқишимни давом эттирмай, нодуруст қилган эканлигимни англадим. Бугун мажлумотим йўқлиги, касб-ҳунар ўрганиб, ҳужжат олиганлигим учун бирор дурустроқ иш этагини тутишинг иложи йўқ. Дарҳақиқат, кейинги йилларда мамлакатимизда жуда кўп бўш иш жойлари яратилаётганлиги ҳақида ҳужжат сўрашади. Қўлимдан қурилиш ишларининг барчаси келиши, муҳожиратда бу ҳунарнинг ипидан-игнасигача ўрганганлигимга қарамай, ҳужжатим йўқлиги туфайли, бирор-бир бўш иш жойига даъвогарлик қила олмайман. Қолаверса, бу йиллар давомида уч нафар фарзандним орттирган ва ҳозирликда ота-онам ва ўзим ҳам, бугунги ёшларга мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишни маслаҳат берган бўлардим. Биз битирувчи синфда ўқиган пайтимизда, ўғил болалар суҳбат мавзуи, асосан, Россияга ишга бориш эди. Энди бундай бўлмасин. Ёшларимиз – азиз Тожикистонимизнинг ёрқин келажаклари. Улар ўқиб, билим олишса, замонавий технологияларнинг сирларини ўрганишса, касб-ҳунар ўрганишса, менга ўхшаб, баҳорнинг илиқ кунлари бошланиши билан уй- joйи, қадрдонларини қолдириб, Россияга кетмаган бўлишарди…

Кенжа Эрбоболев, Темурмалик ноҳияси:

- Россия Федерациясида муҳожир ишлаб топадиган пул билан бугун мамлакатимизда ташкил қилинаётган ярмаркалардан бўш иш жойлари маошлари анчайин фарқ қилади. Нарх-навонинг кескин кўтариб кетганлиги, турмуш даражаси тарози палласининг истеъмолчи фойдасига эмас, балки тескарисига тош босаётганлиги ватандошларимизнинг бу ишлар этагини тутишига йўл бермайди. Дарҳақиқат, муҳожиратда ишлаб топилган маблағнинг салмоғи яхши, лекин уни тоғишнинг заҳмати оғир. Меҳнат муҳожири чекадиган азобларига қарамай, оилани тебратиш учун барчасига чидайди.

Муҳожиратнинг ўзига хос нозикликлари бор. Кимгадир оғиз қулоқ бўқди, яхши инсонларга дуч келади, қўнглига мувофиқ иш топади ҳам. Аммо ғаريبликда кўрпиклларга учрайдиганлар ҳам талайгина. Бугун муҳожирларни ишлатиб, пулларини бермай, қочиб қоладиган даллоллар кўпаймоқда. Улар бу жирканч амалларини касбга айлантириб олганлар. Аянчлиси шундаки, бундай қаллоблар ўзимизнинг ватандошларимиз орасида ҳам йўқ эмас.

Менимча, бугунги меҳнат муҳожири ҳаётнинг барча нотекисликларига тайёр турмоғи лозим. Ўшандагина у кўзлаган мақсадига эришади, яъни муҳожирликда пул ишлаб топа олади.

Ўлкамизда яни корхоналар бунёд этилиб, яхши маош бераднган иш жойлари бунёд этилса, ватандошларимиз, шубҳасиз, ўзимиздаги ишни хорижгидан афзал, деб билган бўлишарди…

Баротали Эргашев, Жалолиддин Балхий ноҳияси:

- «Душанбе-Москва» авиарейсига билет олишга боргандим. Унинг нархи икки минг олтмиш сомоний эканлиги режаларимни бузиб юборди. Ёшим олтмишни қоралаб қолган бўлсада, меҳнат муҳожирлигига боришга мажбурман. Зеро, ўғлимга ўтган йили Россия Федерациясига кириш тақиқланибди. Кўп жойга учраб, бинг сабабини биолмадик. Чунки ўғлим уйга келганда кейин, ўзига тақиқ,жорий этилганлигини билди. Ҳозирча у Душанбе шаҳридаги 82-микрорайонда ўтиради, мардикорлик қилади. Баъзан узоқуқ иш тополмай, зерикишдан шикоят қилади. Аммо бошқа илож йўқ. Унинг бирор касб-ҳунари йўқ.

Яқинда май ойининг охирларига келиб, самолётнинг билет нархи бироз тушади, деган хушхабарни эшитдим. Энди ўша пайтни кутаман. Ишқилиб, биилетга сақлаган пулимни ҳам ишлатиб қўймасам бўлгани…

Мирзоанвар Мирбобоев, Россия Федерацияси, Калуга вилояти, суд органлари таржимони:

- Меҳнат муҳожирати – давр талабидан келиб чиқан ижтимоий ҳодиса. Бугун жаҳонда меҳнат муҳожирати орқасидан рўзғорини тебратаётганлар талайгина. Айрим норасмий манбалар маълумотига кўра, дунёдаги меҳнатга лаёқатли ҳар олтинчи киши – меҳнат муҳожири. Жаҳонда 800 миллионга яқин киши ички муҳожир бўлса, 250 миллион нафардан ортиқ киши ташқи муҳожират орқасидан нон ейди. Бу – табиий ҳолат. Шу сабабли, бугун мустақил Тожикистонимиздан ҳам кўпчилик муҳожиратни ихтиёр айлаганликлари учун кимнидир айблашимиз керак эмас. Балки ана шу оқимнинг тартибли, мақсадли ва самарали бўлиши йўлларини излашимиз лозим.

Ўзоқ йилларданбўён Россия ўлкасида фаолият юритиб, ўлкамиздан муҳожиратга келаётган ватандошларимизнинг ҳуқуқий маърифатлари пастлиги, билимлари саёзлиги, тил билмасликлари ҳамиша уларнинг муаммоларга дуч келаётганликларининг асосий сабаби эканлигини тушуниб етганман. Айниқса, тил билмаслик, хориж мамлакати ҳуқуқий тартиблари, қонун-қидаларини билмаслик – ватандошларимизнинг хўрланишиларига олиб келади. Албатта, дунёқараши кенг, замонавий билимларни эгаллаганлар ғаريبликда ҳам эркин фаолият юритадилар.

Бундан ташқари, кўпинча юртдошларимиз ҳуқуқ-тартибот ходимлари билан мавжуд муаммони пора бериш орқали ҳал этишмоқчи бўлишади. Афсуски, айрим ҳолатларда бундай тавакчаллик муҳожирнинг жиноий жавобгарликка тортилишигача олиб келади.

Яна такроролайман: ҳуқуқий билими саёз, тил билмайдиган муҳожир ғаريبликда муаммолар чангалидан қутулиши оғир кечади…

Суҳбатни Искандар МАҲМАДАЛИЕВ уюштирди.

Байрамга тайёргарлик

Бугунги Ёвон асло чўлу саҳро, чексиз далалар оғуши эмас, балки ям-яшил боғлару улкан саноат корхоналари савлат тўкиб турган ажиб бир маскан десак, муболаға бўлмас. Она-Тожикистоннинг бир парчаси бўлмиш бу ноҳияга пойтахти боғлаб турувчи тоғ йўлидан келишингиз билан беихтиёр қалбингизга байрам тароватли оқиб киради.

Тожикистон Ҳукумати, хусусан, Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг қўллаб-қувватлаши туфайли мислсиз ўзгаришларни бошдан кечираётган Ёвонга 2013 йилдан буён раислик қилиб келаётган зукко ва меҳрибон инсон Амирбеки Темур билан Хатлон вилояти миқёсида Миллий бирлик ва тотувликнинг 20 йиллигина бағишланган байрам тадбирларини ўтказишга тайёргарлик ишлари ҳақида суҳбатлашдик.

-Ҳурматли раис, байрамни ташкил этиш ва ўтказиш режалари ҳақида сўзлаб берсангиз...

-Миллий бирлик ва тотувлика эришиш байрами муқаддас ва айни замонда тарихий байрамдир. Бу тадбирнинг вилоят миқёсидаги тантаналари ноҳиямизда ўтказилиши эса, биз учун шарафдир. Ноҳия ҳукуматининг 2016 йил 27 октябрдаги 1003-рақамли қарори билан Миллий бирлик ва тотувликнинг 20 йиллигини кўтаринки руҳда кутиб олиш режасини тузиш имкондир. Ноҳия ҳукумати кенгаши қарори билан камина байрамни ўтказиш ташкилий комиссияси раиси этиб сайландим. Комиссия раиси ўринбосарлиги ҳукумат раисининг иҳтимоий соҳа бўйича ўринбосари Гулрухсор Саидзода эммасига юклатилган. Комиссия котибликлиги ҳукумат иҳроия аппарати ўринбосари Эмомали Алимардонов олиб бормоқда.

-Муҳтарам Амирбеки Темур, ноҳияга ташриф буюрганимизданоқ, байрамона кайфиятни ҳис этдик. Аллақачон, анчагина ижтимоий, маданий ва маърифий чора-тадбирлар амалга оширилган кўринади...

-Албатта, ноҳия ҳудудидаги қишлоқларда барча маҳаллий радиоузел ва кабелли телевидение орқали аньанавий дастурлар билан бирга, Миллий бирлик ва тотувликнинг 20 йиллигига бағишланган махсус кўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар олиб борилмоқда.

Тожикистон Ички ишлар вазирлигининг ноҳиямиздаги 6593-рақамли ҳарбий қисмида байрам тантаналарига бағишланган учрашув ўтказилди. Режага биноан, Хатлон вилояти ҳукуматининг 2017 йил 17 февралдаги 2-рақамли қарори асосида ташкил этилган «Маърифат карвони» маърифий ахборот тадбири, шунингдек, «Саломатлик карвони» тадбирлари ҳам бўлиб ўтди. Барча жамоат таркибидаги қишлоқларда 120 кун ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Жамоатлар орасида «Намунали оила» конкурси, аҳолининг маърифий ҳуқуқини мустаҳкамлаш мақсадида суҳбатлар, шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар, жамоат жойларда «Терроризм хавфидан огоҳлик» мавзуларида маърузалар, «Тожикистон Республикасида аньаналар, тантаналар ва урф-одатларни тартибга солиш тўғрисида»ги қонун юзасидан суҳбатлар ташкил қилинди. Ҳар бир жамоатда Тожикистон Республикаси Олий Кенгашининг тарихий XVI сессияси иштирокчилари билан учрашувлар олиб борилмоқда.

-Мамлакатимизда нишонланаётган барча тарихий байрамлар арафасида турли иншоотлар қурилиб, фойдаланишга топширилши анъана тусига кириб қолган. Ноҳиядаги ана шундай бунёдкорлик ишлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз...

-Тўғри, Ёвон Советлар ҳокимияти давридан саноатлашган ноҳиялардан бири эди. Муҳтарам Президентимиз истиқлиятимизнинг 25 йиллик байрами арафасида бир қатор завод ва фабрикаларни фойдаланишга топшириш маросимларининг якуний ишлари олиб борилмоқда. Ҳасан Ҳусейнов жамоатига қарашли Меҳробод қишлоғидаги 57-ўрта умумтаълим муассасасига қўшимча бир сменада 380 нафар ўқувчига мўлжалланган мактаб биноси қурилиши битказилди.

Байрам арафасида ноҳия марказидаги Расул Ражабов кўчасидан ўтадиган Ёвонсув дарёчаси устига ноҳия ҳукумати ва ишбилармонлар ҳамкорлигида кўприк қурилиши ҳам байрам совғаси бўлиб қолади.

- Байрам кунлари бўладиган асосий чиқишлар ҳақида ҳам қисқача маълумот берсангиз...

-Миллий бирлик байрами ноҳиямизнинг марказий ўйингоҳида бўлиб ўтиши кўзда тутилган бўлиб, бунинг учун барча шароитлар муҳайё қилинган. Ушбу тадбирларни ўтказишда Хатлон вилояти маданият бўлими ходимлари, халқ ҳунармандчилиги санъатқорлари, Ато Муҳаммаджонов номли вилоят мусиқали драма ва комедия театри актёрлари, вилоят опера ва балет ансамбли санъатқорлари раҳбарлигида 5000дан ортиқ иштирокчиларнинг мусиқий-маърифий чиқишлари саҳналаштирилган. Байрам тантаналарининг асосий тайёргарлик машқлари ноҳия марказий ўйингоҳида ўтказилиб келинмоқда. Ўйлайманки, ушбу қутлуғ байрамни кўтаринки руҳда кутиб оламиз.

-Самимий суҳбатингиз учун ташаккур.

-Раҳмат, байрам кунлари ноҳиямизга марҳамат.

Суҳбатдош: Ҳайтали БОЕВ, «Халқ овози».

МИЛЛИЙ БИРЛИК – ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Суғд вилояти янгиликлари

АШТ ЎРИКЛАРИ - РОССИЯГА

Ашт ноҳияси боғларида етилган ўриклар ортилган вагонлар Россия томон йўл олди. Серқуёш Тожикистоннинг россияликлар севиб тановул қиладиган бу мевасининг асосий қисмини маҳаллий тадбиркор Пўлат Ашуров жўнатди.

Бу тадбиркор бошчилигидаги "Зардолу ва Кампания" масъулияти чекланган жамият жорий йилда Россияга камида 1000 тонна ўрик жўнатишни режалаштиради. Айни бир пайтда хўл мевани сақлаш учун имкониятлар ҳам яратилган. Жамиятнинг совитиладиган иншоотларида ўта иссиқ ҳавода ҳам сақланаётган мева сира айнимайди.

Ўрик териш ва мева қуритиш мавсуми бошланиши билан мазкур жамият 40 кишини иш билан таъминлади.

Жорий йилда Италиядан келтирилган янги технологиялар ишга солиниб, қуруқ мевани қутиларга жойлаштириш ишлари бошланди. Бунинг учун бир ярим миллион сомоний маблағ сарфланди. Ҳозирда бир кеча-кундузда 50 тонна ўрикни қайта ишлаш имконияти мавжуд.

Давлат ҳокимияти Ашт ноҳияси ижроия органидан хабар қилишларича, ўрик ҳосилини тез ва нобуд қилмасдан териб олиш учун барча чоралар кўрилган. Ҳозир тез-пишар ўриклар териб олинмоқда. Кейинроқ пишадиган ўрик навлари эса, кўпроқ қуритилиб, чиройли қутиларга жойлаштирилган ҳолда, чет мамлакатларга жўнатилади.

Ашт тоғбонлар ўрикзор боғларнинг кони фойда бўлаётгани ва оилавий иқтисодларини яхшилашга ёрдам бераётганлигини таъкидлашади.

СПИТАМЕНДА ПИЛЛАЧИЛИККА ЭЪТИБОР КУЧАЙМОҚДА

Спитамен ноҳияси пиллачилик идораси қошида янги цех ишга туширилди. Бу цехда яримтайёр пилла хом ашёси ишлаб чиқарилади. Янги цех Душанбедаги "Тожик-Силк" масъулияти чекланган жамият томонидан ишга туширилди.

Икки навбатда ишлаётган янги корхонада 26 киши иш билан таъминланди. Бир кеча-кундузда икки тоннагача пилла қайта ишланиб, 180 метрга хом мато тайёрланмоқда.

Жамият мутахассисларининг айтишларича, келажакда цехнинг иккинчи босқичи ҳам ишга туширилади.

Айни бир пайтда ноҳияда пилла қабул қилиш мавсуми бошланди. Дастлабки килограммлар қабул қилинар экан, энг илғор пиллачиларга қимматбаҳо совғалар топширилди. Пилла топширган кишиларга эса, бу қимматли хон ашё учун маблағ берилди.

Давлат ҳокимияти ноҳия ижроия органидан хабар беришларича, пилла териб олиш ва топширишнинг муваффақиятли ўтиши учун барча зарур чоралар кўрилган.

ЭНДИ ЙЎЛ МАШАҚҚАТИ ЧЕКИЛМАЙДИ

Кўзи оғриб қолган конибодомликлар энди кичик жарроҳлик амалиётларини ўтказиш учун вилоят марказ ёки бошқа олис шаҳарларга бормайдиган бўлишди. Шаҳар марказий беморхонасининг кўз касалликлари бўлимида янги даволаш жиҳози ўрнатилди. "АСОМА-А-3" электрон микроскопи ёрдамида кичик жарроҳлик амалиётларини ўтказиш имконияти пайдо бўлди.

Янги замонавий жиҳоз Хитойдан келтирилди. Унинг воситасида даволанаётган беморлар кўзига кўриш линзалари ўрнатиш имконияти пайдо бўлди.

Беморхона раҳбарларининг айтишларича, беморларни даволаш учун ёқ қулайликни яратишда давлат ҳокимияти Конибодом шаҳар иҳроия органи яқиндан ёрдам кўрсатган.

ЁШЛАР ЙИЛИДА - ЯНГИ СПОРТ ИНШООТЛАРИ

Хўжанддаги тиббиёт коллежида янги спорт иншооти эшиклари очилди. Бу иншоотга 200 ўринли спорт зали ва спорт майдончаси киради. Иншоот уч ой давомида қуриб битказилган.

Гулистон шаҳрида эса, яна бир спорт майдончаси фойдаланишга топширилди. Тожик денгизи соҳилида жойлашган янги майдонча, асосан, футбол ўйнаш учун мўлжалланган.

Шаҳарда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, гулистонлик йигит-қизлар орасидан мамлакат шарафини жаҳонда ҳимоя қила оладиган чаққон ва кучли спортчилар етишиб чиқишлари мақсадида янгиянги имкониятлар яратилмоқда.



Гулистонда Абдураҳмон Жомий номли спорт мажмуаси, "Истиқлол" спорт саройи, еттита стадион, 20та спорт зали ишлаб турибди. Давлат ҳокимияти шаҳар иҳроия органидан хабар беришларича, яна 25та спорт майдончаси, 6та сузиш ҳавзаси ҳам спорт билан шуғулланишни истаган кишилар хизматидадир.

Ўзмухбир.

Ахборот

Ванж ноҳиясида замонавий бино

Давлат ҳокимияти Ванж ноҳияси иҳроия органининг уч қаватли биноси қурилиши давом этмоқда. Бинокорлар унинг биринчи қаватини қуриб битказишиб, иккинчи қавати қурилишини бошлашди.

Ноҳия раисининг биринчи ўринбосари Жаббор Қосим ишнинг суръат ва сифатидан қониқиш билдириб, ишчиларни қурилиш материали билан таъминлашда мушкуллик юзага чиқмаётганини айтди.

Бу бино қурилишида мамлакатимизнинг турли минтақаларидан бўлган зиёд ишчи ва мутахассислар ўз ҳиссаларини қўшишмоқда.

Ишчилар ҳар ой яхши маош билан таъминланишган бўлиб, мазкур бинони жаҳон қурилиш меъёрларига риоя этган ҳолда, фойдаланишга топширишга ҳаракат қилишмоқда. Бино уч қаватдан иборат бўлиб, барҳаво иш кабинетлари, мажлислар зали жой олади.

Тез орада давлат ҳокимияти Ванж ноҳияси иҳроия органи ходимлари замонавий бинога кўчиб ўтиб, бундай қулай шароитдан фойдаланган ҳолда, жамият ҳаёти турли соҳаларининг тараққий этишига ҳисса қўшишади.

Тўқиш цехлари очилди

Тожикистон Республикаси Ҳукуматининг атлас ва адрас тўқиш каби миллий ҳунарларни қайта тиклаш борасидаги кўрсатмалари асосида Тожикистонда Катта ёшдагилар таълим маркази қўллаб-қувватлаш билан Сангвор ноҳиясида атлас ва адрас тўқиш таълим маркази фойдаланишга топширилди.

Марказ директори Аламшо Парвоноевнинг хабарига қараганда, адрас ва атлас тўқишни ўрганиш учун ноҳиядан бир қиз Суғд вилоятида ўқиб, соҳа мутахассисига айланган.

Айни пайтда у иккита тўқимачилик дастгоҳида 15 нафар уй бекаларига тўқиш сирларини ўргатмоқда. Масъуллар келажакда уй бекаларини жалб этиш орқали адрас ва атлас тўқиш янги курсларини ташкил этишни мақсад қилишган.

Ўзмухбир.

Оммавий ахборот воситалари (Озодий радиоси", "ЦентрАзия"да вақти-вақти билан экстремист-террорчи ташкилотлар аъзоларининг рафиқалари ёки қизларининг кўз ёш тўкиб айтган ҳикоялари (Тожикистон Махсус топшириқларни бажарувчи милиция отряди - ОМОН собиқ қўмондони Ҳалимовнинг қизи: - "Ҳаётимиз даҳшатли тушга айланди" ва ҳоказолар) пайдо бўлмоқда. Мухбирлар улар бошларидан кечирган ачинарли ҳаёт ҳақида ёзишади. Бу иғво, муштарийларнинг раҳмини келтириш, Тожикистонда давлат тўнтаришини ташкил этиш ва молиялаштиришга алоқадор бўлган ТИТП фаол аъзоларининг бегуноҳ қилиб кўрсатишга навбатдаги уринишдир. Муаллифлар аёллар ва болаларга раҳм-шафқатни жалб этиш мақсадида ахборотнинг "оғриқли" усулини қўллайдилар.

Агар А. Назарзода қуролланган гуруҳи қўлидан 2015 йил сентябрида ва бир неча йиллар аввал Рашт ва Хорўғда ҳукумат кучларининг ўнлаб ҳарбий хизматчиси ҳалок бўлмаганларида бу раҳм-шафқат таъминланган бўларди. Улар ҳам кўп сонли оиналларнинг боқувчилари эдилар. Ўғиллари, турмуш ўртоқлари, оталари, биродарлари тирик бўлишлари, ёнларида туришлари мумкинлиги, аммо радикал исломий гуруҳлар томонидан жабр кўрганликларини билган оналар, аёллар ва болалар ҳам яхши яшаётганлари йўқ. Тожикистон Республикаси Ҳукумати ва қудратли тузилмалар раҳбарлари мавжуд имкониятлар доирасида конституцион тузум учун ҳалок бўлганлар оиналарига руҳий ва моддий ёрдам бериб келишмоқда.

Экстремист-террорчи ташкилотлар фаолиятининг рафиқалари эрларини қониқтирмаган ҳукуматнинг қўллаб-қувватлашидан четда қолганликлари ҳақида нолийдилар. Аммо улар нима учун турмуш ўртоқлари ҳокимият ва давлатга қарши қурол олишганида йўлларидан қайтаришмади? ТИТП ўз ҳисобига ҳориждан келиб тушаётган анча катта моддий маблағларга эга. Агар бу партия шахсан М. Кабирий ва ҳорижий ҳомийлар номидан қуролли исён, иҳтимоий вазиятни издан чиқариш ва ҳокимиятни алмаштиришни ташкил этиш учун 1,2 миллион Америка долларини бериш имкониятини топган бўлса, унда нима учун исломчилар "қаровчиси"ни йўқотишдан жабрланган ўз аёлларини қўллаб-қувватлашмайди? Террорчиларнинг ўз турмуш ўртоқлари ва оналарига йўлдош бўлган, улар ортидан боришга мажбур бўлган рафиқалари ёки қизларининг ҳасад қилиб бўлмайдиган тақдирлари ҳақида жуда кўплаб аччиқ ҳикоялар тасвирланган. Қидирувда бўлган, учинчи мамлакат ҳудудида жиноий жавобгарликдан қочиб юрган охиргилари яшаш манзилларини доим алмаштириб туришади. Оиласидан тинчимаган аёллар сони ошиб бормоқда. Чунки кўпгина исломчилар икки-уч хотинга эга бўлиб, бу уларда нуфуз, меъёрдаги маҳом ҳисобланади. Бундан ташқари, бу оиналарда бир нечтадан қиз фарзанд вояга етаётган бўлиб, уларга оталари қайғули тақдирни тайёрлаб қўйган. Уларни террорчи гуруҳдан бўлган ҳорижий жангариларга эўрлик билан турмушга узатадилар. Адолатдан қочиб кетган хоинларнинг ватанда қолган оила аъзолари ўзларини ноқулай сезишади. Уларга нисбатан жамиятнинг муносабати ўзгаргани жамиятда экстремизм ва терроризмнинг қаттиқ қораланиши аҳоли томонидан ҳуш қабул қилинмоқда. Уларнинг ҳозирги ҳолати тўғишганларининг қонунга хилоф фаолиятларининг тўғридан-тўғри натижаси ҳисобланади. Улар фарзандлари ўзларига иш топа олишмаётгани, ишга жойлашишлари мушкуллигидан нолийдилар. Аммо уларни ишдан бўшатганликлари ҳақида гапирмайдилар. Бундан чиқди, оила бошлиғи ҳибсга олингунга қадар улар ҳеч қаерда ишлашмаган ва ўқишмаганми?

Одамлар кимдир: давлат, ҳукумат, жамият, кўшилар, қариндошлар уларга нимадир бериши керак бўлган доимий даъво билан яшайдиган тиланчилар психологияси мавжуд. Аммо тиланчилик Ислом динида маъқулланмайди, бунинг устига йўл болаларини боқиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ёки йиғиштириш, савдо, олиб-сотарлик махсус маълумот талаб қилмай, кам бўлса-да, даромад кеltиради. Ҳаммада тенг ҳуқуқ, кафолатлар ва мажбуриятлар бор. Аммо айнан бир хил вазиятда аёллар ўзларини турлича тутишади. Бировлари тинимсиз шикоят қилиш, садақа сўраш ёки турли идораларга ёрдам сўраб мурожаат қилиш билан банд бўлганида, бошқалари ўзларини қўлга олиб, ҳаракат қила бошлайди. Бозор иқтисодиёти даврида аксарият кишилар мушкулликлар, жумладан, моддий муаммоларга рўпара келади. Лекин бунда ҳамма ҳам давлат, ҳокимият, ҳукуматни айблайвермайди. Энг аввало, ўзлари ва фарзандлари дунё бўйлаб овора юришларига сабабчи бўлганлар, ночор ҳолатга тушиб қолишларининг асосий айбдорларидан даъво қилишлари керак.

Бугун зикр этилган ташкилотнинг раҳбарлари қулай шароитда яшамоқда. Уларнинг аксарияти иқтисодий ва иҳтимоий нуқтаи назардан яхши жойлашиб олишган. Улар жамият фойдали меҳнати билан шуғулланмаганликлари истисно эмас. Тижорат олиб боришган, йирик кўчириб бўладиган ва кўчмас мулк, саноат ва савдо иншоотлари, хорижда алоқаларга эга бўлишган. Аввал-бошдан хайқаро банклардаги ҳиссалар ва ҳориждаги кўчмас мулклар кўринишида ўзларига "хавфсизлик ёстиғи", "захира аэродроми"ни тайёрлаб қўйишган. Уларнинг бошланғич капиталларини маълум исломий давлатлардан бўлган буюртмачи ва ҳомийлари таъминлашган. Бу ерда ҳорижлик ҳомийлар билан ўзаро манфаатдорлик, ўз ҳаражатларини ўзи қоплаш ва расмий қонунчилик принципларига асосланган молиявий ўзаро муносабатлар механизми амалда ишлаган. Уларнинг моҳияти экстремистик тузилмалар томонидан ўзларининг бузғунчи ишларини молиялаштириш учун ҳуқуқий ва ўзлари томондан қўйилган жисмоний шахсларни хорижда савдо амалиётлари билан боғлиқ тадбиркорлик фаолиятидан фойдаланишни ташкил қилади. Бозор иқтисоҳоти бошланғич даврида террорчилар етакчиларининг катта яшириқ капитали ташкил этилаётган тижорат тузилмалари ва хусусийлаштирилган давлат корхоналарига сармояларштирилган. Исломчилар томонидан хўжалик фаолиятини тўлиқ равишда расмий олиб бориш учун ҳуқуқий шахслар ташкил этиш, улар томонидан тадбиркорликнинг пул олиш ёки жиноий даромадларни "ювиш" воситаси сифатида фойдаланилиши тажрибаси кенг тарқалди. Бунинг учун қонуний бозорлар, бензин сотиш нуқталари, супермаркетлар, транспорт ва бошқа компаниялар кўринишида пана жойлар ташкил этилди. Бундай тижорат натижасида терроризм мафия кўринишини олиб, "мафкура учун" қураш астасекинлик билан "узун доллар" учун қураш томонидан сиқиб чиқарилади. Ташкилотлар ва уларнинг етакчиларининг расман мулки бўлган саноат корхоналари, қурилиш фирмалари, савдо марказлари, маҳсулот бозорлари, бошқа кўчмас мулклардан исломчилар фаолиятини молиялаштириш учун фаол фойдаланилган. Фақатина битта бозор фаолиятидан тушадиган йиллик даромад 350 минг доллардан зиёдни ташкил қилиш факти қонуний даромад ҳажми ҳақида тасаввуротни беради. Бунда улар ўзларининг ҳимоя фирмалари орқали пул ўрнига исломчиларга маҳсулотлар катта партияси (қўлда тўқилган қимматбаҳо гиламлар, қурилиш материаллари ва ҳоказолар)ни сотиш учун етказиб берган пайтларида расмий тижорат исломчиларнинг хорижий махсус хизматлар билан муносабатларини яширишда қўл келди. Хорижга сафарлар доирасида раҳбарят маҳсулот айирбошлаш ҳажмини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилган ҳолда, исломий бизнес-тузилмалар хорижий тижорат шериклари билан норасмий алоқаларни ўрнатиш шарт эканлигига эътибор қаратганлар. Ташқаридан бу оддий савдо келишувидек кўринган. Лекин ундан тушган даромад экстремист-террорчилик тузилмаларини ривожлантириш ва аҳолини радикаллаштириш учун ишлатилган.

Экстремист-террорчи гуруҳлар раҳбарлари ва яқин ёрдамчилари хорижда кўчмас мулклар, квартиралар ва ҳисоб рақамларига эга бўлишиб, уларни Тожикистон Республикасида яшаб турган вақтлариданоқ Ғарб ва Шарқ мамлакатларида очишга улгурганлар. Ватан ва собиқ ватандошларига қарши бузғунчи фаолиятлари учун улар мавлум исломий давлатлардан бўлган ҳомийлари ва ғоя раҳнамоларидан катта пул олишади. Раҳбарлари ортидан югуришга қарор қилган оддий аъзолар эса, жуда ачинарли ҳолатда: оиналари билан яшаш учун маблағсиз, ийжойсиз, тиббий суғурта гувоҳномаси ва зарур ҳужжатларсиз қолишди. Европа мамлакатлари беватан қаргадонларни қабул қилиш ва уларга истаган қўчоқ мақомини беришдан бош тортмоқда. Чунки улар қўчоқ ҳисобланмайдилар. Улар уруш ёки таъқибдан қочиб кетишгани йўқ, балки содир этган жиноятлари учун жиноий жавобгарликдан қочиб, моддий манфаат излаб юришибди. Бу вазиятда уларнинг аёллари ва фарзандлари кўпроқ азият чекишади. Ватанда қолган қариндошлари эса, уятдан бош кўтара олмай, кўп нарсадан маҳрум бўлишмоқда.

Моддий тинчлик, жамиятда эҳтиром ва талабчанликка эга бўлиш учун муносиб хизмат қилиш керак. Бу аёлларни конституцион тузумга қарши ҳаракатлари учун ҳибсга олинган ва қонуний жазодан хорижда қочиб юрган экстремист-террорчи ташкилотлар фаолиятининг рафиқалари бўлганликлари учунгина тахтга кўтариш, раҳм-шафқат уйғотиш ва "ўта жафокаш" қилиб кўрсатиш шарт эмас.

Нигора УСМОНОВА.

√ Нуқтаи назар

ҚОРНИ ТЎҚНИНГ ҚОРНИ ОЧ БИЛАН НЕ ИШИ БОР...

Давлат ҳокимияти Панж ноҳияси ижроия органи раҳбарияти диққатига

БИР КЕЛИБ КЕТИНГ ҚИШЛОҒИМИЗГА

Шошиб ўрнидан турган Жуманазар ака яна ўйланиб, жойига ўтирди. Худди бировга гапираётгандек - Сабил тушим экан, қани ўша чойхона-ю водопроводдаги муздекини сувлар.

Кошки, уларни ўнгимда кўрсам эди, - деди ўзига-ўзи. Кейин бир нарса эсига тушди, шекилли, апил-тапил юз қўлини ювиб, кўшиси Жўра ота ҳузурига йўл олди. - Жўражон, дўстим, шу деб ажойиб бир туш кўribман. Ҳали ундай соя-салқин чойхонани бизнинг қишлоқдагилар асло кўришмаган. Ёнгинасидаги водопровод жўмрагидан шалдирабқ оқаётган сувни айтмайсизми? Ичмасдан ўтиб кетолмайсиз. Атроф ям-яшил, дов-дарахтлар билан ўралган, бирин-кетин бедана, какликлар сайраши одамни маст қилади. Эски хароба қишлоқлар, уйдимчуқур йўллардан ном-нишон қолмаган. Қишлоғимиз таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган лимит бўйича 200 нусха газетага обуна қилишлари керак эди.

Тўғри, 1988 йил тоза ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида водопровод қувурлари ўрнатилган эди. Бир икки ой сув келиб турди. Кейинчалик нима бўлди-ю, сув тақа тўхтаб қолди. Ортиқ тоқат ҳам қолмади. Чорак асрдан ортиқ вақт ўтишига қарамасдан, ҳанузгача сувдан дарак йўқ. Одамлар эса, пахтазор ерлардан оқиб чиқан турли дори ва минерал ўғитлар билан заҳарланган пайнов-дан фойдаланишга мажбур бўлмоқдалар.

Энди яхши ҳордиқ чиқарилмагач, меҳнат натижаси қандай бўлиши ўз-ўзидан маълум.

Бу водопровод қувурлари учун меҳнаткашларнинг мингминглаб пуллари сарф бўлгани аниқ. Эсизгина маблағлар. Бу пуллар учун ким жавоб беради? Панж ноҳияси-дагги «Намуна» қишлоқ совети раиси Сафарали Гулов ва унинг ўринбосари (собиқ раис) Маъмуржон Ёрматовларга айта кўрманг, чунки улардан ҳеч нима кутманг, ўз пулимизга севимли газетамиз «Халқ овози»-га обуна қилишмагандан сўнг, энди сизга водопровод ўрнатиб, сув чиқариб берармиди? Тўғрида, жамоат ҳудудида 18 мингдан зиёд аҳоли яшайди, шуларнинг аксариятини ўзбекзабонлар ташкил қилишади. Нахотки, энди 5-10та ўзбек газеталарига обуна қилишнинг иложи бўлмаса. Ваҳоланки, Тожикистон Республикаси Президент Ижроия аппарати томонидан белгиланган лимит бўйича 200 нусха газетага обуна қилишлари керак эди.

Дарҳақиқат, кейинги пайтларда деҳқончилик маҳсулотларининг қимматлашиб кетганини айтмайсизми? Бунда бизнинг ҳам айбимиз бор, ука. Қишлоқда яшаб туриб, сабзаводтларни бозордан сотиб олиш ёки сувни ўта оғир ҳолат. Шаҳарликларга ёрдам бериш ўрнига шаҳардан ловия, мош, нўхат, ошқовоқ, олма, нок, беҳи, анор, узум, хурмо, бодом, лимон, апелсинни сотиб олишни айтмай кўя қолайлик. Шуларнинг ҳаммасини бозордан харид қилямиз. Чунки томорқамизни суғоришнинг иложи йўқ. Экин деганингиз сувсиз кўкармаса, узоққа бормасдан, биргина Плато қишлоғининг хўртки, муаммо ечимининг бирон иложи бўлмаса?

- Эй мухбир ука, - деди ҳаммамиздан ёши улуг Ғулом бобо, - қишлоғимиздан бехабарга ўхшайсиз. Қишлоқда яшаб туриб, сабзаводтў кўкатларни бозордан сотиб олиш ўзимизга ҳам алам қилади. Қандай қилайлик? Ўзимиз ҳам уяламиз. Лекин иложимиз қанча?

Плато қишлоғининг бирон аҳолисига бир назар ташлайлик.

Айниқса, биз панжликлар ўтган асрнинг 30-50-йилларида воқеани сира унутганимиз йўқ.

Асрий қақроқ ёттан «Қоровултепа» мавзесига сув келди. Ота-боболаримизнинг етти ухлаб тушига кирмаган пахтачилики ўрганиб олдик. Қишлоғимиз шундайгина тоғнинг этагида жойлашган. Мавриди келганда плато сўзининг лугавий маъносига ҳам тўхталиб ўтсак, яхши бўларди. «Плато» аслида французча сўз бўлиб, асл маъноси баландликдаги текислик демакдир. Баландлик бўлгандан сўнг, албатта, сув ўз-ўзидан чиқмайди. У ерга, албатта, насос ёрдамида сув чиқарилади. Насос бирон-бир сабаб билан ишламай қолгудек бўлса, платоликлар қўлида майнун йиғлайди. Хулласи калом, Панж дарёсининг суви насос орқали мазкур қишлоқларга узатилади. Панжга сув чиқарилиб, ёмон келди. Шунга қарамасдан, сўнгги йилларда негадир ўзгариш бўлмай қолди. Айтишга уялсан киши. Баъзан, ҳатто, ичишга сув тополмай қоламиз. Айниқса, пахта йиғим мавсуми тамом бўлгач, каналларда сув қуриёди. Пахта плани тўлдиримиз, тамом, қишлоқ унутилади. Сув янги чигит экиш вақтида юборилади. Ўша ҳам пахта сув талаб бўлгандан кейин келади. Ана шунда кўрасиз томошани. Қўл осмондан, оёқ ердан узилади. Қаерда кўлмак борми, оқова сув борми, одамлар сарсон бўлиб сув излашади. Бошқаларнинг таъби тортадими йўқ, билмадиму, лекин бизга мойдек татийди. Кўлмак сувни докадан ўтказиб ичаверамиз. Чунки мажбурмиз. Қишлоқда сувдан ташқари яна бир масала бизни қийнаб келяпти. Хоҳ ишонинг, хоҳ йўқ, адир этагида ўтириб ҳордиқ чиқаришга бирон шароит йўқ. Юқорида номлари зикр этилган қишлоқларда бирон-бир спорт майдончаси йўқ. Яқинда қишлоғимизга узоқ Россиядан икки рус бола келиб қолишди. Улар мардикорликка борган маҳаллий болаларга эргашиб, келишган эканлар. Ишонсангиз уч кун ўтмай, рус болалар кетаманга тушиб қолишди.

-Нима бирон киши хафа қилдими, - деб сўрадик.

-Йўқ, ҳеч ким хафа қилгани йўқ. Шундай ишдан шароитларинни кўриб, ўзимга ўзим ишонмай қолдим. Агар Россияда болаларр тўрт дона тошни дарвоза қилиб тўп суришсалар, асло ишонмасдим. Лекин сизларда ўз кўзим билан кўриб, ҳайратдан ёқа ушлаб қолдим, -дейди. Тўғри рус болалар учун бу бир афсона туюлади. Лекин бизлар учун буларнинг ҳаммаси аччиқ ҳақиқатдир. Ишонмаганлар келиб, ўз кўзлари билан кўришлари мумкин.

Платоликлар ҳасратини оққа кўчирувчи:
Абдулфайз МИМАТОВ.

***P.S.:** Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон қарийбки, ҳар бир чиқишида, қолаверса, мамлакат парламентига ўўллаётган Паёмларида юрт ободлиги, айниқса, қишлоқ структурасини яхшилаш, ободончилик ишларини йўлга қўйиш борасида таъкидлаб келади. Давлат ҳокимияти Панж ноҳияси ижроия органи масъуллари бундан бехабар қолганга ўхшайдилар. Акс ҳолда ушбу мақола юзага келмаган бўлар эди. Газета муҳарририяти тегишли идоралардан жавоб кутиб қолади.*

Миллий бирликнинг 20 йиллиги олдидан

ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ ЮТУҚЛАРИ

Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг «Сув устувор тараққиёт учун» - 2018-2028 йиллар халқаро амалиёти ўн йиллигини эълон қилиш тўғрисидаги ташаббуси дунёнинг 190дан зиёд мамлакати қўллаб-қувватлаши билан БМТ резолюцияси орқали қабул қилиниши Тожикистоннинг халқаро нуфузи ва обрўси юксалишига янада қўпроқ ҳисса қўшади.

Қадриддин Гиёсов жамоатига қарашли Навди қишлоғи яқинида Хўжақалъа каналини сел яроқсиз ҳолга келтирган эди.

Вахш дарёси сув тошқини натижасида «50 солагии Тожикистон» жамоатига қарашли Қулсанг қишлоғи яқинида темир йўл қўпригидан кейин дарё қирғоғи кўтарма дамбаларида катта емирилиш ҳоллари кузатилди.

Бу ноҳия аҳолиси учун жуда хавфли бўлиб, сув босиш эҳтимоли бор эди.

Ўз ишининг зукко билимдони, моҳир ташкилотчи сув хўжалиги раиси Фахриддин Ғафуров ички резервлардан моҳирона фойдаланди.

Сув хўжалиги ходимлари ва Навди қишлоғи аҳолисининг самарали меҳнати натижасида Шўрчасой объекти ва Хўжақалъа канали қайта таъмирланиб, ўз ҳолига келтирилди.

Бу таъмирлаш ишларида давлат ва шахсий мелиоратив техникалардан фойдаланилди.

Вахш дарёси кўтарма қирғоқ дамбаларини (БУР) кун сайин ювиб, сув босиш хавфи тобора кучаяди.

Иш икки сменада ташкил қилинди. Ноҳия раиси А.С. Баҳодурзода тарафидан қирғоқни мустаҳкамловчи махсус симтўрлар, собиқ Иттифоқ даврида қурилиш ПМКлардан қолган беҳисоб бетон парчалари дарё қирғоғини мустаҳкамлашда ишлатилди.

Кранчи ҳожи Насрулло бетон парчаларини дарё қирғоғига жойлаштиришда ўз ишининг моҳир устаси эканлигини кўрсатди. Вахш дарёси тарафидан келаётган хавф бартараф этилди.

Шўрчасой ва Вахш дарёси объектларида ўз ҳиссаларини қўшган инженер-техник ходимлар С. Азаматов, Р. Султонов, Н. Элмуродов, А. Мирзокаримов, Ҳ. Искандаров ва М. Саидов катта қучғайрат билан фидокорона меҳнат қилиб, бошқаларга ибрат бўлишди.

Сув хўжалигининг қарашли Қулсанг, Хўжақалъа ва Муз насос станциялари деҳқонларга хизмат кўрсатмоқда.

Бугунги кунда ноҳиямизга қарашли 12 минг гектардан ортиқ экинзорлар ҳар куни ўрта ҳисобда, секундига 23 метр куб сув билан таъминланмоқда. Сув таъминоти билан боғлиқ шикоят йўқ.

Сув хўжалиги коллективи яқинлашиб келаётган Миллий бирлик байрамининг 20 йиллигини фидокорона меҳнат ютуқлари билан кутиб олишни ният қилганлар.

Тоғаймурод БАДАЛОВ,
А. Жомий ноҳияси «Ер ва суғориш ҳолатини яхшилаш бошқармаси»нинг Сув ишлатилиши бўлими бошлиғи.

√ Маҳалла ободлиги

ОИЛА – МУҚАДДАС ҚЎРҒОН

Оила одамзот учун умр-гузаронлик қиладиган, болачақаларини ўстириб, палак отадиган муқаддас қўрғон, кишилик жамиятининг энг кичик бўғини, ижтимоий пойдеворидир. Шунинг учун ҳам, биз оилани фарзанд кўриш орқали аждодлар ворислиги ва давомийлиги ҳамда ер юзида инсоният тараққиётини таъминловчи, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи, деб биламиз. Ҳурматли Президентимиз Эмомали Раҳмон: - «Ҳар бир шахсда болалигидан шакллана-диган инсоний фазилатлар, эзгу истаклар, қадриятлар, минг йиллар давомида шакл-ланган тожик халқининг қадриятлари ва маънавий мероси равнақини фақат оила таъминлайди», - деб айтадилар ва бу бежиз эмас. Нега деганда, ота-она муносабатларида намоён бўлувчи ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, поклик, меҳнатсевар-лик, инсонпарварлик каби олий қадриятлар оилада шакллана-ди.

Тарихдан маълумки, ҳамма давлатлар ҳам бир муддат қийинчиликлари бошдан кечиган.

Оила мустақил ижтимоий институт бўлиб шакллганидан буён то истиқлол давригача кўп қиррали ва мураккаб йўлни босиб ўтди. Истиқлол шарофати билан маънавий тикланиш жараёнлари жадал кечаётган мамлакатимизда оила институти ижтимоий ҳаётда тобора мустаҳкамроқ ўрин эгаллаб бормоқда.

Бир-бирига ҳурмат ва эҳтиромни жой-жойига қўйиш, жамиятдаги инсонпарварлик муносабатлари устуворлигини таъминловчи опа-сингиллар, ака-укалар орасидаги аҳанавий меҳр-оқибат масалалари заифламол-мулки тақсимоти борасида ака-укалар ўртасида вужудга келган тортишувлар оқибати кўпинча фожиалар билан хотима топаётганлиги ташвишли бир ҳолдир. Фарзандлари кўп бўла туриб, отаона қариган чоғида боқувчисиз қолиб, қариялар уйидан нажот топса, умрининг сўнгги дамларини ёшлик кучини сарфлаб бутлаган хонадони, эркалатиб ўстирган болачақалари ҳузурида эмас, кўча-кўйда, бегоналар эшигида ўтказса, бу қайси аҳолоқа тўғри келади, ахир. Ота-она фарзандини оқ қилиб, ундан юз ўгирса ёки ёмон гуруҳлар таъсирига берилган фарзанд онаизори, падари бузруквори қадрини дол қилса, бунга бепарво қараб туриш мумкинми? Асло!

Яқинда бир қайнона билан суҳбатлашиб қолдим.

-Муаллимажон, ҳозир кўп оилалар пойдевори мустаҳкам эмас.

Муҳтарам Президентимиз оила тўғрисида ғамхўрлик қилиб, мактабларда «Оила маърифати» - ёшларни мустақил ҳаётга, оила қуришга тайёрловчи дарс ўқитилиши учун кўп шароитлар яратиб берганини ўқидим. Менинг уч ўғил ва тўрт қизим бор. Худога минг қатла шукрки, ўғил-қизларимнинг турмушлари яхши. Аввало, оиланинг мустаҳкам бўлиши қайнота, қайнона ва қизнинг, яъни келиннинг отаонасига ҳам боғлиқ.

Аёл - она, аёл - уй бекаси, аёл - олима, аёл - шоира, аёл - ўқитувчи.

Болалар - бизнинг келажагимиз. Агар соғлом авлодни, ички ишлар органлари ходимлари режа асосида иш олиб борсалар, Тожикистон Республикасининг келажаги учун етук кадрлар тайёрланар эди. Муҳтарам Президентимиз 2017 йилни Ёшлар йили, деб эълон қилди. Ёшларга жуда катта шароитлар яратиб берилди. Турсунзода ноҳиясининг Шайхмузаффар маҳалласи раиси Акбаржон Юсупов ва у кишининг комитет аъзолари билан олиб борган ишлари таҳсинга сазовордир. Қачон қидирманг, уни одамлар орасидан топасиз. Оилалар билан учрашув, беморлардан хабар олиш, йўллар, мозорларни обод қилиш, маҳалла аҳли билан кенгаш ўтказиб, шароити оғир оилаларга ёрдам бериш, ҳашар йўли билан маҳалламиз ободлиги ишида, аъзолар Юсуфжон Қурбонов, Рустамжон Маматқулов, Худойберди Норменглиев, Саиджон Аҳмедов, Зокиржон Нуроматов, Малиакахон Абдуллоева, Пардавой Эшқобилов ва бошқалар кўмагида қишлоқда сув қувурларини ишга туширдилар. Тозаликка ҳам риоя қилиниб, маҳалламизда тез-тез шанбаликлар ўтказишади. Соғломлаштириш пункти ҳашар йўли билан қурилиб, ишга тушди.

Маҳалламиз одамлари ҳашар йўли билан соябонли бекатлар қуришди. Байроқлар ҳилпираб турибди, радиолар ишга тушган.

Жумагул ТОШМАТОВА,
Турсунзода ноҳияси, Турсун Тўйчиев жамоати, Шайхмузаффар маҳалласи.

Хатлон вилоятидан хабарлар

Фуқаролар ҳуқуқий маърифати

Фуқароларнинг ҳуқуқий маърифатини ошириш ва аҳолининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, ҳуқуқий ғояларни тарғиб этиш, ғендер масалалари моҳиятини очиб бериш мақсадида Тожикистон Республикаси Адвокатлар иттифоқи ташаббуси билан Норак шаҳрида семинар ўтказилди. Семинарда Норак шаҳри, Дўконий ҳамда Пули Сангин қишлоқ жамоатларидан 120 нафар киши қатнашди. Бу ҳақда давлат ҳокимияти Норак шаҳри ижроия органи Ижтимоий тараққиёт ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими мудири Ҳабиба Сафарова хабар берди.

Масъул шахслар алимент тўлаш мажбурияти, эр-хотиннинг муштарак мулки, зўравонлик тушунчаси ва унинг турлари, оилавий зўравонликка дучор бўлган шахсларни ҳимоя қилиш воситалари, одам савдоси олдини олиш ва бошқа мавзулар юзасидан йиғилиш иштирокчилари билан суҳбат уюштирдилар.

Шунингдек, адвокатлар эҳтиёжманд кишиларга бепул ҳуқуқий маслаҳатлар беришди.

Ёшлар кунига бағишланган тантана

Тожикистон Ёшлар куни вилоят маркази – Қўрғонтепа шаҳрининг «Ахтакор» стадионида тантанали қайд қилинди.

Тадбирда Хатлон вилояти раиси Давлатшоҳ Гулмаҳмадзода иштирок этди. Тантанада 11 минг нафардан ортиқ киши қатнашди.

- Ёшлар куни мамлакатимизда муҳим байрамлардан бири сифатида қайд қилиб келинади, - деди сўзга чиқиб Д. Гулмаҳмадзода. – Айниқса, жорий йил мамлакат Президенти томонидан Ёшлар йили, деб эълон қилиниши бу байрамнинг шуқуҳини оширади. Ёшлар – давлат ва миллатнинг ёқин келажаги.

Тадбир сўнгида қизиқарли театрлаштирилган намойиш кўрсатилди.

Ҳамкорликнинг янги йўллари

Қўрғонтепа шаҳрида Хатлон вилояти раиси Давлатшоҳ Гулмаҳмадзода ва Франциянинг Тожикистон Республикасидаги элчиси Ясмин Гуадерлар учрашуви бўлиб ўтди.

Томонлар маданий ва савдо алоқаларини тиклаш йўлларини муҳокама этишди.

Шунингдек, Хатлон вилояти маориф ва илм муассасаларида француз тилини ўргатишни йўлга қўйиш масаласи муҳокама қилинди.

Мактаб-интернат иссиқлик билан таъминланди

Хатлон вилояти раиси Давлатшоҳ Гулмаҳмадзода ва Япониянинг Тожикистон Республикасидаги элчиси Хажиме Китаока Вахш ноҳиясидаги мактаб-интернатда иккита буғ қозони (котельный) фойдаланишга топширилиш маросимида иштирок этишди.

Тадбир жараёнида буғ қозонларининг фойдаланишга топширилиши мазкур ўқув муассасаси учун муҳим бўлиб, эндиликда кузги-қишки мавсумда ўқувчилар зарур иссиқлик билан таъминланиши қайд қилинди.

Буғ қозонлари Япониянинг Халқаро ҳамкорликлар агентлиги лойиҳаси (JICA) доирасида қуриб битказилди. Бундан ташқари, мактаб-интернат ётоқхонаси қисман мебел билан таъминланди.

Агентлик томонидан мазкур лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш учун 80 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланди.

Картошка етиштириш учун қулай мавзе

Хатлон вилояти раиси Давлатшоҳ Гулмаҳмадзода Мўминобод ноҳияси аҳолиси билан учрашув ўтказди. Учрашув фуқароларни қабул қилиш кунлари доирасида бўлиб ўтди.

Мўминобод ноҳияси аҳолиси вакиллари автомобил йўллари таъмири, яшаш манзили қуриш учун ер участкалари ажратиш, тиббиёт нуқталарини зарур ускуналар билан таъминлаш масалалари юзасидан вилоят раисига саволлар беришди.

Шунингдек, Д. Гулмаҳмадзода ноҳия фаоллари билан мулоқот уюштирди. Учрашувда ноҳия ижтимоий-иқтисодий тараққиёти борасида сўз юритилди. Вилоят раҳбари «Фарзандлар таълим ва тарбиясида ота-оналар масъулияти тўғрисида»ги ва «Тожикистон Республикасида анъаналар, тантаналар ва урф-одатларни тартибга солиш тўғрисида»ги Тожикистон Республикаси қонунларига риоя этиш ва аҳолига уларнинг моҳиятини етказиш лозимлиги таъкидлаб ўтди.

Йиғилишда саноат соҳасини ривожлантириш масаласи кўтарилди.

- Хом ашёни қайта ишлаш ва маҳаллий маҳсулотларни ишлаб чиқариши ошириш йўли билан саноат соҳасини ривожлантириш лозим, - деди Д. Гулмаҳмадзода. – Бу ҳақда Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон мамлакат Олий Мажлисига йўллаган Паёмида айтиб ўтган.

Учрашувда, шунингдек, картошка етиштириши ривожлантириш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди.

- Мўминобод ноҳиясида картошка етиштириш учун барча табиий шароитлар мавжуд, - деди вилоят раиси. – Ҳалол меҳнат қилиб, қишлоқ хўжалигининг бу муҳим маҳсулотини етиштириш кўрсаткичини ошириш лозим.

Ўз мухбир.

1 июн - халқаро Болаларни ҳимоя қилиш куни

Кўнгилни хўрлаш - юз карра гуноҳ, онани хўрлаш - минг карра гуноҳ, гўдакни хўрлаш - чексиз гуноҳ...

Гаффор ХОТАМОВ, «Қудуқ тепасидаги ой».

БОЛАЛИКНИНГ БЕҒУБОР ОСМОНИ...

Баҳорнинг сўнги кунлари...

Осмон бегубор. Қуёш зарин нурларини борлиққа тератиб, ажиб тароват бахш этган. Азим чинорлар соясидаги ҳовли саҳни шўх-шодон болалар билан гавжум: бир гуруҳ шийпончада стол тенниси машғулоти билан банд. Бошқаси, кичик ёшдагилар ҳовлининг кун чиқар томонидаги катта саҳнада тарбиячилар назорати остида, уларнинг кўрсатмалари билан шеърни маромига етказиб, ифодали ўқиш сирларини ўрганишмоқда.

Афтидан, ҳаётларидаги муҳим байрам - 1 июн - халқаро Болаларни ҳимоя қилиш куни тантаналарига чин юракдан ҳозирлик кўришмоқда.

Болалар уйидаги сокинлик, самовий мусаффолик, борингки, инсонни ўзига мафтун этиб, кўзни қувонтиradиган, дилларга севинч бағишлайдиган ҳар бир ҳаёт манзараси мурғак қалблар дунёсидан ранг олгандек, гўё...

Бундан қариб эллик йил муқаддам, 1959 йилда ташкил этилган Турсунзода шаҳридаги Болалар уйида ана шундай дилтортар лавҳаларнинг гувоҳи бўласиз.

Айни пайтда Болалар уйида 124 нафар тарбияланувчи: 47 нафари ўғил болалар, 77 нафари қизлар истиқомат қилишади.

Етти нафар мактабгача тарбия муассасаларида, 60 нафар Болалар уйининг ўзида 1-4 бошланғич ва 51 нафари шаҳардаги 2, 86, 101-ўрта умумтаълим муассасаларининг 5-9 юқори синфларида таҳсил олишмоқда.

Болалар уйида 66 нафардан иборат тарбиячилар жамоаси болалар таълим-тарбияси билан шуғулланади.

Ёшларга билим бериш жараёнлари тўлиқ компютерлаштирилган бўлиб, Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Республиканси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон 2012 йилда Болалар уйига қилган ташрифи чоғида 8та компютер совға қилган эди.

Таълим-тарбия муассасасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, тарбияланувчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш борасида ҳам бир талай ибратли ишлар амалга оширилган.

Ҳозирги пайтда Болалар уйида сартарошхона, пойафзалларни таъмирлаш ва тикувчилик дўконлари, нон пишириш цехи амал қилиб, тарбияланувчилар уч маҳал иссиқ овқат билан таъминландилар.

Меҳрибонлик уйида ёрдамчи хўжаликлар ҳам ташкил этилган бўлиб, беш гектар майдонда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, олти бош, жумладан, икки бош соғин сигир парвариш қилиниб, кунига соғиб олинадиган 20 литр сут тарбияланувчилар эҳтиёжлари учун ишлатилади.

Бундан ташқари, фонди 11 минг 127 нусха китобдан иборат бўлган кутубхона фаолият юритади.

-Болалар тарбияси, уларга гамхўрлик қилиш мамлакатимиз Ҳукумати олиб борадиган жорий 2017 йилни Ёшлар йили, деб эълон қилиниши ҳаётимизга ўзгаришлар киритадиган дастур...

Болалар уйида тарбияланувчиларнинг бўш вақтларини қизиқарли ўтказишга алоҳида аҳамият берилади.

Улар бу масканда фаолият юритадиган спорт, санъат, рассомлик ва бошқа кўплаб тўгараклар жалб қилинишган.

Турли байрам тадбирларига бағишлаб, адабий кечалар, кўрик-танловлар, кўргазмалар мунтазам ўтказиб борилади.

Шаҳар ва республика миқёсидаги саъатқорлар иштирокида концерт дастурлари намойиш қилинади.

Жонажон Ватанимиз - Тожикистоннинг диққатга сазовор жойлари, тарихий обиделаларига мунтазам саёҳатлар уюштирилади.

Тарбияланувчиларнинг ёзги дам олиш мавсумлари ҳам мазмунли ўтказилади. Ҳар йили «Тожикистон алюминий компанияси» давлат унитар корхонасига қарашли «Ширкент» лагерининг бир сменасида 100 нафар Болалар уйи тарбияланувчилари учун жой ажратилади.

Шунингдек, «Варзоб», «Обшорон» ва «Ҳушёри» лагерларида ҳам шартнома асосида 40 нафар тарбияланувчилар ҳордиқ чиқаришади.

-Ёшларни Ватан хизматига содиқ, миллат ғояларини давом эттирувчилар қилиб тарбиялаш, бизнинг олдимизда турган олий даражадаги масъулиятдир. Чунки эл ва юртнинг порлоқ келажаги уларнинг қўлида. Ватаннинг эртани кунги тақдирини улар яратадилар. Биз муассасамизнинг собиқ тарбияланувчилари, ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан «Тожикистон алюминий компанияси» ифтихорига айланган Т. Тусматов, И. Шириновлар, шунингдек, Турсунзода шаҳри тиббиёт соҳасининг ҳақиқий жонкуярлари бўлган Т. Исоқова, Н. Усмоновлар билан ҳақли равишда фахрланамиз, ёшларга уларнинг ҳаётини ибрат мактаби қилиб кўрсатамиз.

Кези келганда, мен асосий ҳомийларимиз бўлган Тожикистон Халқ демократик партиясининг Турсунзода шаҳридаги ижроия комитети, «Тожикистон алюминий компанияси» давлат унитар корхонаси, давлат ҳокимияти Турсунзода шаҳар ижроия органи раҳбарларига ҳозирги оғир иқтисодий вазиятга қарамай, имкон қадар ўз ёрдамларини дариғ тутмаётганликлари учун Болалар уйи маъмуриятининг миннатдорчилигини изҳор этаман...- дейди тарбиявий ишлар бўйича Болалар уйи директорининг ўринбосари Расул Жўраевич.

Шу кунларда болалар уйида кузги-қишки мавсуми кўнгилдагидек ўтказиш тадбирлари ишлаб чиқилиб, уни амалга татбиқ этиш чораларини кўрилмоқда.

Дарвоқе, кейинги беш-олти йил бадалида Болалар уйи тарбияланувчилари иссиқлик ва электр энергияси таъминотида тақчиллик сезишаётгани йўқ. Тарбия даргоҳи иссиқлик ҳамда электр энергияси етиштириб берувчи марказлашган тизимга эга бўлиб, ундан самарали фойдаланиб келинмоқда...

- Ёшлик, бу - орзу. Буишонч, жасоратга интилиш. Бу - келажакка тузилган режалар, истиқболнинг бошланиши, - деб ёзган эди дунёга таниган шоир Нозим Ҳикмат.

Ёшларга хос бўлган ана шундай инсоний фазилатларни ўз вақтида пайқаш, осойишта муҳитда, беғубор осмон остида муқаммал тарбиялаб вояга етказиш ҳамда эзгулик йўлига ҳидоят қилиш халқ ва Ватаннинг ёрқин келажаги кафолатидир...

Абдуҳафиз МИРЗААҲМЕДОВ, «Халқ овози»нинг махсус муҳбири.

Суратларда: 1. Директор ўринбосари Расул Ражабов иш устида. 2. 9 май - Ғалаба кунига бағишланган тадбир қатнашчилари. 3-4. Тарбияланувчилар ҳаётидан лавҳалар.

ҲАШАР САМАРАСИ

Қабодиён ноҳиясининг «20 солагин истиқлол» қишлоқ жамоатига қарашли Қизил куч қишлоғидаги 26-ўрта умумтаълим муассасасида меҳнаткашларнинг 360дан зиёд фарзандлари таҳсил олмоқда. Бу ердаги муассаса биноси 1968 йили 150 ўринга мўлжалланиб қурилган эди. Эндиликда муассасада ҳўшимча синфхоналарга эҳтиёж туғилди. Қишлоқ меҳнаткашлари ташаббус кўрсатиб, ўтган 2016 йилда ҳашар йўли билан қўшимча бино қуришга киришган эдилар. Айни кунларда бу ерда иш қизғин. Маҳалла комитети раиси Ғанижон Юсупов ва 26-ўрта умумтаълим муассасаси директори Тўхтаназар Ҳазратқуловлар ташаббуси билан ҳашар ташкил этилиб, бино томшувоқдан чиқарилди. Бино юқори қисмига шифер қоқиб чиқилди.

-Яқин кунларда тўртта синфонага эга бўламиз. Бу саккизта синф ўқувчилари синфхона билан таъминланади, демакдир. Ҳашарда, асосан, ёшлар иштирок этмоқда. Ёшлар йилида бу иш ёшларимизнинг хайрли тадбирларидан бири дедиламан, - деди суҳбатда муассаса директори Тўхтаназар Ҳазратқулов.

Зокиржон ДЎСТМУРОДОВ, Қабодиён ноҳияси.

Яхшилар ёди

ОИЛАДА МЕҲРИБОН ОНА, МАКТАБДА ТАЛАБЧАН УСТОЗ ЭДИ...

Йигирманчи аср маданияти ер билан яксон қилиниб, демократия қобиғига ўралган йигирма биринчи аср эшик қоқиб турган пайтлар эди. Маошимиз кам, уни ҳам ўз вақтида ололмасдик. Оилани боқиш илинжида мактабдан ўқитувчилар кета бошлади. Йигирманчи аср тарбиясини олган кекса ўқитувчилардан деярли ҳеч ким қолмади. Хитойнинг тайёр «жевачка»синиям сотиш қўлидан келмайдиган, чайқовчиликнинг кўчасидан ўтмаган, ўқитувчилиқдан бошқасига ярамайдиган, педагоглар қолди, холос. Институтда устозларимиздан бирининг, педагог – бола етакловчи, дегани эсимга келди-да, маъносига шу кунлари етдим. Бола етаклашни номус қилмаганлар қолди. Мактаб директори Холмўмин Кўганов ҳувиллаб қолган синфларга ўқитувчи излаб юрган пайтлар эди. Кунларнинг бирида Улуғберди Намозов раиснинг келини Мавжуда (эл орасида Марҳабо номи билан аталарди) ва Султонмурод аканинг келини Ойсулувлар директорни сўраб келишди. Ўрта маълумотли қишлоқ келинчакларини ишга олмоқчи бўлаётган директорни муаллимлар ўртага олишиб:

– Кўчадаги тўғри келганларни ишга олаверасизми, дипломи бўлмаса, ўқувчилар тақдирини ўйлаш керак?! – деб норозилик билдиришди. Шунда, улардан имтихон олиб, саводини аниқлаймиз, кейин дарс берамиз, деб келишиб олдик. Илмий мудир сифатида, «кўчадан» келган ўнта аёлдан бошланғич синф маълумоти асосида имтиҳон олдим. Диктант ва контрол ишларга номларини ёздирмадим-да, олий маълумотли муаллималар қўлига бердим. «Кўчадан» келган Мавжуда ва Ойсулувнинг ёзма ишларига «аъло» баҳолар қўйилган эди. Норозилик билдирганларга бу ёзма ишларни қўрсатиб, ишга қабул қилдик. Шу пайтгача аксарият ўқитувчилар эркаклар эди, энди аёллардан иборат бўлиб қолди.

Уларни тажрибали ўқитувчиларга бириктириб, педагогика ва психологиядан йўл-йўриқ кўрсатиб бордик. «Кўчадан» келганларни калака қилишмасин, деган ҳадиқда дарсларига кўп кирардим. Тез орада, дарснинг тартиб-қоидасига ўрганиб кетишди.

Мавжуда Намозова ўқувчиларга эркалаш оҳангда, оналарча меҳрибонлик билан дарс ўтиши, болаларга нафсониятига тегмасдан, ўзи қатори шахс эканлигини ҳис қилиб муомалада бўлиши, ўй ишларини ҳар биридан сўраб чиқиши ва мактаб маъмуриятига маъқул келди ва қўйи синфларнинг она тили ва адабиёт дарслари ҳам берилди. Кечаги оғиз-бурнини ўраб, эртадан кечгача пахта чопилида, ярим кечатача раиснинг келди-кетдисига қараб, қозон қиришу тонг отгунича болалар кирини ювиб юрган келинлар бугунга келиб, юз кўрсатиб дарс ўтиши баъзи болаларга эриш туюлганидан машғулотларга эътибор бермасдан, оёғини партадан чиқаришиб, ичида: - «Ким бўлдинг, ўша колхозчисан-да», - деб дарс ўтишига халақит берганлари қанча бўлди.

– Менга она тили ва адабиёт дарслари оғирлик қилаяпти, – деди.

– Қўникиб қоласиз, – дея далда берардик.

Дарсликка киритилган адабиётларни ўқувчилигида ўқиган эмасми, дарсларида ҳикоя қилиб берар, программадан четга чиққан бўлса-да, болалар фикрини дарс мавзусига қаратиш йўлини топарди.

– Бир соатлик дарс, уйдаги бир кунлик ишимдан ҳам оғирроқ, – дерди баъзан тарбияси қийин болаларни дарсга жалб қилолмаганидан руҳи тушиб.

Бироқ кўп йиллик педагогик тажрибага эга бўлган Зуҳра ва Бибинозлар иш услубларини ўрганган Мавжуда ва Ойсулувлар тез орада қўникиб кетдилар. Мавжуда она тили ва адабиёт, Ойсулув Давлат тили фанидан дарс бера бошладилар. Дарсдан ташқари ўқишни йўлга қўйишиб, ўқувчиларни ўзларига жалб қила олдилар.

Уларнинг очиқ тарбиявий соатларига қатнашган ўқитувчилар юқори баҳо беришгани, улардан ўрнак олишимиз керак, деганлари ҳалигача эсимдан чиқмайди. Биз ўқувчи қизиқишларига эътибор қилмаган ҳолда, математика ва физикани мажбурлаб ўргатмоқчи бўлиб, ортиқча талабчанлик қилиб, ўқувчини ўзимиздан қочириб юрган эканмиз. Мавжуда Намозова болалар психологиясини ўқиб ўрганган бўлмасада, оналик инстинктлари билан улар кўнглига кўл соғиб, улар дидига мос келган услуб асосида тарбия бериши бизни ҳайратга солганди. Ҳар бир ўқувчига индивидуал ёндошиш натижасида улар наздида меҳрибон мураббий, севимли устоз – идеал ўқитувчига айланишди.

Мавжуданинг дарсига кирдим. Дарснинг ташкилий қисми, уй ишларини сўраш ва янги мавзуларни конспектда кўрсатилганидек, ўз вақтида бажарди. Дарсни якунлар экан: ўқувчилар саволига жавоб беришга ва уларни баҳолашга ҳам улгурди.

– Акамни айна, дейман. Онамўзидан катта-кичикларнинг айна, дейди. Адабиётда бу сўз йўқ, – деди дарс охирида ўқувчилардан бири.

– Мен ҳам акаларим ва ўзимдан катта-кичик, танишнотаниш бўлган одамларга «айна», деб мурожаат қиламан. Бу сўз умумий адабиётда йўқ, шеваимизда бор. Қўпгина сўзлар бир неча маънога эга. «Айна» сўзи ёши каттакичик эркакларга нисбатан ҳурмат маъносида кўпроқ ишлатилади, – деди муаллима.

– Магазинда ҳам айна совун бор, – деб ҳаммани кулдирди ўқувчилардан бири.

– Диалектал сўзларни келгуси дарсларда кўриб чиқамиз, алоҳида мавзу, – деб дарсни тугатди. Танаффусда муаллима атрофини ўраб олган ўқувчиларнинг ҳаёлига келган нарсаларни тортинмасдан сўраши ва эркин фикрлашларидан хурсанд бўлдим.

Дарс, таълим ва тарбия бериш кўпчиликнинг қўлидан келади, лекин ўқувчига ўзлигини – шахсиятини англатиш ўқитувчидан катта педагогик маҳорат талаб қилади.

Мавжуда 2005 йили Қўрғонтепа шаҳридаги Н. Хисрав номидаги университетнинг филология факултетига сиртдан ўқишга кирди. 2010 йили аъло баҳолар билан тугатди, олий маълумот соҳибаси бўлди. Олимпиадаларга ўқувчиларни тайёрлаб, фахрий ёрлиқлар олди. Ўқувчилари олий ўқув юртларига кирди – ўзига муносиб шогирдлар тайёрлади. Тинимсиз меҳнати туфайли мактабда ва ота-оналар олдида юзи ёруғ – мартабаси улуғ бўлди. Бироқ тақдирда борини кўраркан инсон. Мавжуда Намозова 2016 йил 26 октябрда шафқатсиз ўлим чангалига тушган бўлса-да, биз учун ҳамон тирикдек: Мавжуда ўғиллари юзи, қизлари товуши, шогирдлари иши, коллективимиз хотирасида – юксак дидли, фаросатли ва номусли муаллима сифатида сақланиб қолади.

Довуд ХОЛБОБОЕВ, Дўстий ноҳияси.

СПОРТ

СПОРТ МУХЛИСЛАРИ СУТУНИ

Тел: 918-61-99-71

Мамлакатимизда

Кураш

ИККИ КАРРА ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

Гонгконг шаҳрида курашнинг дзюдо тури бўйича Осиё чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди.

Унда Тожикистон қимоя қилган Комроншоҳ Устопириён 90 килограммгача вазн тоифасидаги спортчилар орасида Осиё чемпиони унвонига мушарраф бўлди.

Қитъанинг 28 давлатидан 242 нафар вакил иштирок этган турнирнинг финалигача юртимиз намояндаси Халқаро дзюдо федерацияси байроғи остида чиқиш қилган Аллихон Ганнам, ўзбекистонлик Муҳаммадкарим Хуррамов ва японияликлар Шоичиро Муканларни мағлуб этди.

Ҳал қилувчи финал босқичида эса, қозоғистонлик Ислом Бозбоевни дорда қолдирди.

Комроншоҳ Устопириён мамлакат дзюдо тарихида икки карра Осиё чемпиони бўлган ягона спортчидир. У ўтган йили Тошкент шаҳрида ўтказилган «Сариқ қитъа» биринчилигида ҳам голибликка шоҳсупасининг энг юқори поғонасига кўтарилган.

Велоспорт

МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИДАГИ БИРИНЧИ МЕДАЛ

Велосипед пойгаси бўйича Қозоғистонда старт олган "Тур Жетису" халқаро турнири ниҳоясига етди.

Мусобақаларда иштирок этган Суғд вилояти Бўстон шаҳри велоспорт мактаби тарбияланувчиси Далер Севостянов икки - гуруҳ ва шоссе мусобақаларида қатнашиб, 15 хол жамғарди ҳамда мустақиллик даврида спортнинг мазкур тури бўйича биринчи- бронза медалини қўлга киритди.

Халқаро турнир голиблиги майдон эгаси Василий Ганжга насиб қилди. Иккинчи ўринни унинг ватандоши Виталий Егай ишғол этди.

Тожикистон Республикаси велоспорт федерацияси вице-президенти Андрей Мироновнинг таъкидлашича, эндигина халқаро спорт майдонига чиққан тожик велопойгачилари учун ушбу кўрсаткич юқори натижа ҳисобланади.

Футбол

НАВБАТДАГИ БОСҚИЧ ЙЎЛЛАНМАСИ КУРАШИ

"Миллионлар ўйини"- футбол бўйича Тожикистон кубогига эгалик қилиш учун курашлар қизғин давом этмоқда.

Мусобақалар 1/8 финалининг дастлабки учрашувлари ортда қолди.

Ҳисор шаҳрининг "Барқчи" жамоаси ўз майдонида Кўлобнинг "Равшан" клубини қабул қилди.

Ўйин аввалида 2:0 ҳисобида олдинга чиқиб олган "энергетиклар" галабани сақлаб қолишолмади. Кўлобликлар улар дарвозасига икки жавоб тўпи йўллаб, ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлишди.

Қолган учрашувлар қуйидаги натижалар билан якун топди: "Вахш"- "Сомон"- 3:2, "Вахдат"- "Зарафшон"- 1:0, "Хулбук"- "Эската"- 0:0, ЦСКА "Памир"- "Панжшер"-0:0, "Регар- ТадАЗ"- "Хўжанд"- 2:3.

Тожикистон кубогининг ўтган мавсумдаги соҳиби "Истиқлол" ва финалчи "Ҳосилот" жамоалари кейинги босқичда курашга қўшилади.

Жавоб ўйинлари 1-2 июн кунлари ўтказилади.

Жаҳонда

Бокс

"СУПЕРЧЕМПИОН"ЛИК УНВОНИ ЖАНГИ

Англиянинг Шеффелд шаҳрида касбий боксларнинг WBA (Халқаро боксчилар ассоциацияси) йўналиши бўйича 76,2 килограмм вазн тоифасидаги спортчилар ўртасида "суперчемпион"лик жанги бўлиб ўтди.

Унда Буюк Британия намояндаси Жорж Гроув ва россиялик Фёдор Чудиновлар рингда ўзаро ҳисоб-китоб қилишди.

Ўн икки раундли муштлашувнинг олтинчи ва дақиқалигида тажрибали Жорж Гроув ўзига нисбатан анча ёш бўлган рақиби Фёдор Чудиновни техник нокаут ҳолатига туширди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Жорж Гроувз тўртинчи ринингда бу олий унвонга сазовор бўлди.

"Шеффелд Юнайтед" футбол клуби стадионида ўтказилган жанги 28 минг томошабин кузатиб борди.

Футбол

ЕВРОПА КУБОГИ "МАНЧЕСТЕР ЮНАЙТЕД"ДА

Стокголм шаҳрида Европа футбол клублари ўртасида иккинчи нуфузга эга бўлган турнир-Европа лигасининг бош соврини соҳибини аниқлаб берувчи учрашув ўтказилди.

Беллашувда Буюк Британиянинг "Манчестер Юнайтед" ва Голландиянинг "Аякс" жамоалари куч синашди.

Учрашувнинг биринчи қисмида англияликларнинг французияликлар легионери Пол Погба рақиб дарвозасини аниқ нишонга олиб, ҳисобни очди.

Матчнинг иккинчи қисми ҳам Жозе Моурино шогирдлари устунлигида ўтди. "Манчестер Юнайтед" ҳужумчиси Генрих Мхитарян ўз ҳисобига яна битта гол ёзиб қўйди.

Шундай қилиб, 2:0 ҳисобида ёрқин галабага эришган "Манчестер Юнайтед" Европа лигаси ғолибига айланди.

Теннис

СТОСУР ВАТАНДОШИНИ МАҒЛУБ ЭТДИ

Франциянинг Страсбург шаҳрида теннис бўйича соврин фонди 225 минг Америка долларини ташкил қилган халқаро турнир ниҳоясига етди.

Мусобақаларнинг финал босқичида австралиялик Саманта Стосур ўзининг юртдоши, жаҳоннинг еттинчи ракетласи Даря Гавриловага қарши кортга чиқди.

Икки соату 45 дақиқа давом этган кураш натижасига кўра, 5:7, 6:4, 6:3 ҳисоби қайд этилди ва Саманта Стосур фойдасига ҳал бўлди.

Австралиялик теннисчи 2015 йилда ҳам ушбу турнирда зафар қучган эди.

"Халқ овози"нинг спорт шарҳловчиси.

АҚШ

ИШИДга қарши янги тактика

АҚШ мудофаа вазири Жеймс Мэттис АҚШ коалицияси ИШИДга қарши курашида ўз тактикасини ўзгартиргани ҳақида маълум қилди. Бу ҳақда CBS телеканали хабар берди.

- «Биз уларни Ироқ ва Сурияда бир позициядан бошқасига ҳайдовчи сермашаққат тактикадан воз кечдик ва уларни йўқ қилиш тактикасига ўтдик», - деди Мэттис.

Унинг сўзларига кўра, коалиция ИШИД жангарларига бошқа мамлакатлардан ўзларига қайтишга имкон бермасликни мақсад қилган. Шунингдек, Пентагон раҳбари коалиция учун айнан кўраб олиш ва мақсадли йўқ қилиш» асос бўлишини яна бир бор таъкидлади.

Франция

Ҳамкасбларга муносабат

Франция Президенти Эммануэл Макрон россиялик ва америкалик ҳамкасблари Владимир Путин ва Доналд Трамп билан муносабатларини «бузишни истамаслиги»ни маълум қилди. У «Journal du Dimanche»га берган интервюсида шундай баёнот билан чиқди.

- «Мен Трамп билан учрашдим», - деди французлар етакчиси ва бу музокаралар вақтида у АҚШ Президентини «ёшитиш ва тушуниш»га ҳаракат қилганини қўшимча қилди.

- «Трамп биз ўйлаганимиздан-да очиқ инсон бўлиб чиқди. У тўғридан-тўғри мулоқот қилишни ёқтиради. Ўйлашимча, у билан илиқ муносабатлар ўрнатаоламиз», - деди Макрон.

- «Путинни 300 йиллик дипломатик алоқалар доирасида Францияга такслиф қилдим, - деди Макрон ва у билан талабчан мулоқот олиб бориш ниятида эканини айтди. - Биз мавжуд барча муаммоларни муҳокама қиламиз».

Владимир Путинга қандай муносабатда эканлиги тўғрисидаги саволга сиёсатчи: - «Россияни ҳурмат қилишини айтган.

КХДР

Мудофаа тизими синови

Шимолий Корея етакчиси Ким Чен Ин янги ҳаво ҳужумига қарши мудофаа тизимининг муваффақиятли синовдан ўтказилишини кузатди. Бу ҳақда Корея марказий телеграф агентлиги маълум қилди.

- «Бу имкониятлари синчковлик билан текширилган қурол-аслаҳа тизими бутун мамлакатни ўрмон каби қоплаши ва рақиблар нинг ҳавода ҳужмонлиги ҳақидаги хаёлларини йўқ қилиш учун оммавий равишда ишлаб чиқарилиши керак», - деб айтган Шимолий Корея раҳбари.

Ким Чен Ин ўтган йил тизимда аниқланган носозликлар тўлиқ енгиб ўтилганини таъкидлаган.

Германия

Фикрлар номувофиқлиги саммити

Германия канцлери Ангела Меркел «G7»га аъзо бир қатор мамлакатлардаги таҳдиқлик фонида Европа фақат ўзига ишонши кераклигини таъкидламоқда. У «Христиан-ижтимоий иттифоқи» раҳбари Хорст Зеехофер билан бирга ўтказилган қўшма тадбирда шундай баёнот билан чиқди.

- «Бир-биримизга тўлиқ ишонишимиз мумкин бўлган даврлар ўтиб кетди, мен буни сўнгги кунларда яққол ҳис қилдим, - дея Меркелнинг сўзларини келтиради DPA агентлиги. - Шу боис айтишим мумкинки, европаликлар ўз тақдирини ўз қўлига олиши керак».

Маҳаллий ОАВ, хусусан, «Welt» ва «Bild» газеталари Меркелнинг бу баёнотидан канцлер АҚШни ишончли ҳамкор, деб ҳисобламаслигига оид хулоса чиқарган.

«Катта еттилик» саммити 26-27 май кунлари Италияда бўлиб ўтди. У бир томондан ушбу клубнинг олти ишторкчиси ва АҚШ Президенти Доналд Трамп ўртасидаги келишмовчиликларни, бошқа томондан эса, қатор мавзулар - иқлимга доир Парик битимидан тортиб, қрчоқлар масаласигача фикрлар номувофиқлигини намоён қилди.

Филиппин

Жангарилар билан тўқнашувларда ҳалок бўлганлар

Филиппин жанубида Ҳукумат қўшинлари ва «Маute» террорчилик гуруҳи жангарилари ўртасида деярли бир ҳафтадан бери давом этаётган тўқнашувлар оқибатида камида 34 киши, жумладан, ҳарбийлар ва полициячилар ҳалок бўлди. Мамлакат қуролли кучларининг расмий вакили Рестито Падилланинг маълум қилишича, жангарилар томонидан 19 нафар фуқаро қатл этилган.

Падилланинг айтишича, ҳарбийлар Марави шаҳридаги давлат университети биноси ёнида жангарилар томонидан қатл этилган 8 кишининг, жумладан, 4 аёл ва бир боланинг жасадини аниқлашган. Тўқнашувлар давомида 11 нафар ҳарбий ва 4 нафар полиция ч ўлдирилган. Шу билан бирга, Ҳукумат қўшинлари камида 61 жангарини йўқ қилишга муваффақ бўлган.

Ҳукумат жангарилар сонини 200-300 киши атрофида баҳоламоқда. Маълум бўлишича, улар орасида Индонезия, Малайзия ва Сингапурдан ҳам жангарилар бор.

Мамлакат Президенти Родриго Дутерте жангарларнинг ҳужуми сабабли, 23 май куни Минданао вилоятининг аксарият қисмида 60 кунлик ҳарбий ҳолат тартибини жорий қилди.

Ҳиндистон

Қудратли ракета ташувчи синови

Ҳиндистон космик тадқиқотлар ташкилоти (ҲҚТТ) июн ойининг дастлабки кунларида оғир маҳаллий ракета ташувчиси синовини ўтказишни режалаштирмоқда. NDTV телеканалининг хабар беришича, янги ракета миллий бошқарилувчи космик дастурни амалга ошириш имконини беради.

«GSLV MK-III» ташувчиси (ёки «LVM3 - Launch Vehicle Mark-3») 8 тоннага яқин фойдали юкни орбитага олиб чиқишга қодир. Манбада таъкидланишича, бу Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган энг қудратли ва оғир ракетадир. Унинг оғирлиги 200 фил оғирлиги (640 тоннадан ортиқ)га тўғри келади ва у тўлиқ ҳинд технологиялари асосида ишлаб чиқилган.

Ташувчининг биринчи парвози муваффақиятли кечса, яқин келажакда унинг ёрдамида космосга Ҳиндистон ҳудудидан Ҳиндистон ракетасида Ҳиндистон экипажи йўлланади. Мазкур режа муваффақиятли ўтса, Ҳиндистон Россия, Хитой ва АҚШдан кейин космик кенгликка инсонларни мустақил чиқара оладиган дунёнинг тўртинчи мамлакати бўлади. Янги ташувчи ёрдамида, шунингдек, турли мақсадлардаги суньий йўлдошлар ҳам орбитага олиб чиқилади.

Россия

Макрон танлаган умидбахш сиёсат

Москвада Франциянинг янги Президенти Эммануэл Макрон француз бизнесига ғоявий босим ўтказишдан воз кечиши ва Россия билан ишлаш учун «яшил чироқ» ёнишига умид қилишмоқда. «Интерфакс» Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Парижга таширби арафасида ўз манбасига таянib, шу ҳақда маълум қилди.

Шу билан бирга, у ҳамкорликдаги аниқ бизнес-лойиҳалар президентлар томонидан муҳокама қилинмаслигини таъкидлади.

- «Сир эмаски, бир неча йил давомида Елисей саройидан француз бизнеси бўйича Россия билан ишлаш керак эмаслиги борасида сигналлар бўлган. Бундай сигналлар бошқа бўлмаслигига, бизнес ўз дастури бўйича ишлаши ва унга ҳеч ким ғоявий босим ўтказмаслигига умид қиламиз», - деган манба.

Агентлик суҳбатдошининг айтишича, Франциянинг янги Президенти – «дангал, ишбилармон киши» ва у Москва билан прагматик мулоқот олиб боришга қодир.

Ливия

«Ансор аш-Шариа» фаолиятини тўхтатади

Ливиянинг «Ансор аш-Шариа» террорчи гуруҳи етакчилари ташкилотнинг тарқалиш ҳақидаги баёнот билан чиқишди. Бу ҳақда «Reuters» агентлиги хабар берди.

Гуруҳ баёнотида таъкидланишича, бундай қарор қабул қилиниши гага оддий аскарлар ва қўмондонлик таркибидаги катта йўқотишлар сабаб бўлган. «Ансор аш-Шариа», шунингдек, ливиялик исёнчиларни «ягона фронт» тузиш учун бирлашишга чақирган.

Маълумотларга кўра, мазкур гуруҳ 2012 йилда Бенғозидаги АҚШ консуллигига уюштирилган ҳужумда иштирок этган. Сўнги пайтларда «Ансор аш-Шариа» Ливия миллий армияси қўмондони Ҳалиф Ҳафтар назорати остидаги кучларга қарши тўқнашувларда қатнашган.

Сурия

Ўзаро жангга чиқиб...

ИШИД ва «Жабҳат-ун-Нусра» террорчилик гуруҳлари жангарилари Ливан ва Сурияннинг тоғли ҳудудларида ўзаро жанг қилмоқдалар. 27 майда юз берган тўқнашувда 40 нафарга яқин террорчи йўқ қилинган. Бу ҳақда «Al Mayadeen» телеканали хабар берди.

27 май куни ИШИД жангарилари «Жабҳат-ун-Нусра» жангарларининг Ливаннинг Эрсал шаҳри атрофидаги лагерига ҳужум қилган. Тўқнашувлар бутун чегара ҳудуди бўйлаб бошланган. Жанг давомида ИШИД 27 нафар жангарисини, «Жабҳат-ун-Нусра» ва у билан иттифоқдош «Сарой Аҳл аш-Шом» қуролланган отрядлари 11 нафар жангарисини йўқотган.

Ливан ва Сурия чегарасидаги тоғ даралари жангарилар томонидан базалар ва машғулот лагерлари сифатида қўлланади. Бу етиб бориш қийин бўлган ҳудудлар орқали Сурияга қурол ва ёлланма жангчилар ташланади.

Франция

Генералнинг қабри кимга ёқмади?

Франциянинг собиқ Президенти, марҳум Шарл де Голлнинг Франция шимоли-шарқидаги Коломбе-лё-дёз-Эглиз коммунасидаги қабри вандаллар томонидан вайрон қилинди. Де Голл дафн қилинган қабристонда, шунингдек, унинг рафиқаси ва қизининг қабрлари ҳам бор.

Вандаллар қабристонга кириб, қабрда ўрнатилган хочни ағдариб ташлашган. Бунинг оқибатида у ўртасидан парчаланиб кетган. Баъзи маълумотларга кўра, вандаллар икки киши бўлган. Қолган қабрларга шикаст етказилмаган. Ҳозир воқеа тергов қилинмоқда.

Шарл де Голл Франциянинг XX асрдаги энг муҳим шахсларидан бири ҳисобланади. Иккинчи жаҳон уруши вақтларида у француз қаршилиги рамзига айланган. Де Голл Бешинчи республиканинг асос солган ва унинг биринчи Президенти бўлган. У мамлакатни 1959-1969 йиллар давомида бошқарган. У кенг ваколатлар олиб, АҚШ ва собиқ Иттифоқнинг дунёдаги ҳукмронлиги ғоясини инкор этиб, французларга жаҳон саҳнасида мустақил овоз ҳуқуқини берган ўзига хос ташқи сиёсат олиб борган.

Генерал де Голл 1970 йилда вафот этган.

Хитой

Коррупция учун ўлим жазоси

Хитойнинг Чжэнчжоу шаҳри ўрта поғона суди Тянцзин шаҳрининг Халқ сиёсий маслаҳатлашув кенгаши раисининг собиқ ўринбосари, шаҳарнинг жамоат хавфсизлиги бошқармаси собиқ бошлиғи У Чаншунни ижро этилиши икки йил ортга суриладиган ўлим жазосига ва шахсий мулкини мусодара қилишга маҳкум қилди. "Sina" ахборот порталининг маълум қилишича, у умумий қиймати 80 миллион долларлик коррупция жиноятларида айбдор, деб топилган.

Чиқарилган ҳукмга кўра, У Чаншун умрбод сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум қилинди. Агар икки йил ўтиб, ўлим жазоси умрбод қамоқ жазосига алмаштирилса, У Чаншунга чиқарилган ҳукм ўзгаришсиз қолади ва у шартли - муддатдан аввал озодликка чиқиш юзасидан ариза бера олмайди.

Суд айбланувчини давлат маблағларини ўзлаштириш ва сарфлаб юборишда, пора олиш, ўз манфаатлари йўлида қонунни писанд қилмаслик ва ўз хизмат ваколатидан шахсий мақсадларда фойдаланишда айбдор, деб топди.

Таъкидланишича, У Чаншун тергов билан фаол ҳамкорлик қилган ҳамда бошқа жиноятларнинг очилишига ёрдам берган кўрсатмалар берган. У суд залида ҳукмга розилигини ва суд қарори устидан шикоят қилиш ниятида эмаслигини айтган.

Яман

Мисли кўрилмаган вабо эпидемияси

Яманда охирги 3 ҳафта давомида вабодан 242 киши вафот этгани, 23 мингдан кўпроқ киши касалланганги қайд қилинди. Бу ҳақда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти баёнотида маълум қилинди.



ЖССТ кейинги олти ҳафта ичида вабодан касалланганлар сони 200-300 мингга етиши мумкинлигини айтмоқда.

- «Бундай рақамлар билан одамлар ҳаёти орқали тўланадиган ҳақ жуда, жуда юқори бўлади», - деб айтди ЖССТнинг Ямандаги вакили Невио Загария.

Ташкилотда Ямандаги ушбу эпидемия ўз қўлами бўйича «мисли кўрилмаган даражада» эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Рейтинг

Сердаромад тўптепарлар

"Forbes" журнали томонидан тузилган 2017 йил учун дунёнинг энг сердаромад футболчилари рўйхатида 1-ўринни Криштиану Роналду эгаллади.

"Реал"нинг 32 ёшли ҳужумчиси тўрт йилдан бери дунёнинг энг сердаромад футболчиси номини ҳеч кимга бермай келмоқда. Нашр маълумотларига кўра, футболчи 2016 йилнинг 1 июнидан 2017 йилнинг 31 майигача 93 миллион доллар ишлаб топган. Футболчи бу қиймат дан 58 миллион долларини клубдаги маоши ва турли бонуслар кўринишида олган, қолган маблағни эса, реклама шартномалари орқасидан топган.

2-ўринни "Барселона" ҳужумчиси Лионел Месси эгалламоқда. Унинг бир йил ичидаги даромади 80 миллион долларни ташкил қилган. У бу қиймат дан 50 миллион долларини клубдаги маош ва турли бонуслар кўринишида олган.

3-ўринни "Барселона"нинг яна бир ҳужумчиси бразилиялик Неймар эгаллаган, унинг даромади 37 миллион долларга баҳоланган. 4 ва 5-ўринларни "Реал"нинг бошқа ҳужумчиси Гарет Бэйл ва "Манчестер Юнайтед" ҳужумчиси Златан Ибраҳимович эгаллаган. Уларнинг йиллик даромадлари мос равишда 34 ва 32 миллион долларни ташкил қилган.

Бангладеш

Қария кўринишидаги чақалоқ

Бангладешда камдан-кам учрайдиган ирсий касаллик - прогерияга эга чақалоқ дунёга келди.

У "Бенжамин Баттоннинг сирли воқеаси" филмидаги бош қаҳрамонга қиёсланди. Бу филмда аввал қари одам кўринишида туғилиб, ёши ўтган сари қариш ўрнига, ёшарувчи одам ҳақида сўзланган.

Прогерия касаллигида организм болаликдан бошланувчи тез қаришга учрайди. Ушбу касаллик атеросклероз пайдо бўлишига олиб келади ва бунинг оқибатида юрак касаллиги авж олади.

Прогерия билан касалланганлар одатда тахминан 13 йил умр кўрадилар. Бироқ баъзи ҳолларда бундай касалликка учраган болалар 20 ёшгача ҳам яшашлари мумкин.

Дунёда прогерия билан касалланиш қайд қилинган ҳолатлар 80тадан ошмайди.

Италия

Ҳайдовчисиз трансформер автомобил

Италиянинг «Camal» ва АҚШнинг «OSVehicle» компаниялари дунёдаги биринчи ҳайдовчисиз трансформер автомобили прототипини тақдим қилишди. Унинг яратувчилари ғоясига кўра, машина 5та асосий қисмдан иборат.

Моделнинг номи «Edit» бўлиб, унинг таркибий қисмлари қўйидагилардан иборат: олд ва орқа қисм, том, эшиклар ва шасси. Шассидан бошқа барча элементлар нисбатан осон алмаштирилиши мумкин. Муаллифларнинг фикрича, шу тариқа машина турли автомобил компаниялари томонидан турли мақсадлар учун қўлланиши мумкин.

Трансформацияланиш имкониятига қарамасдан, машина ҳамиша деярли бир хил ўлчам ва шаклга эга бўлиб қолади.



Машина яратувчиларининг таъкидлашича, автомобилдаги алмаштирилувчи деталлар уни узоқ муддат қўллаш борасида анча самарали қилади ва ишлаб чиқарилишини арзонлаштиради.

Япония

Терроризмга қарши курашда ёрдам

Япония жорий йилда Сахрои Кабирдан жанубда жойлашган Африка мамлакатларига терроризмга қарши курош мақсадида 200 миллион доллар миқдорида ёрдам кўрсатади. Бу ҳақда Япония Бош вазири Синдзо Абэ "G7" мамлакатлари етакчилари ва Африка қитъасининг Нигерия, Нигер, Эфиопия, Кения ва Тунис каби давлатлар раҳбарлари билан ўтказилган мулоқот чоғида маълум қилди.

- "Тинчлик ва барқарорлик ривожланишнинг муҳим омили эканлиги ҳисобланади. Биз (Африка мамлакатларида) минтақавий хавфсизликни таъминлаш ишига халқаро ҳамкамият билан ҳамкорликда ўз ҳиссамизни қўшишни хоҳлаймиз", - деган Абэ.

Қозоғистон

Ибрат олса арзийдиган ташаббус

- "Муқаддас Рамазон ойи муносабати билан Жанубий Қозоғистон вилоятининг баъзи таксичилари бепул хизмат кўрсатмоқдалар", - деб хабар тарқатди "Казинформ" ахборот агентлиги. Вилоятдаги Ўтирар районида эрта тонгдан 4та такси машинаси йўловчиларни ўз манзилларига бепул элтиб қўймоқда.

- "Бугун Ўтирарда Рамазон ойи муносабати билан пешингача "Бепул такси" хизмат кўрсатмоқда. Акция ташкилотчилари бу савобли ишда иштирок этмоқчи бўлиб, акцияга қўшилмоқчи бўлганларни "Аристонбоб" марказий масжидига мурожаат қилишларини сўрайдилар", - деб маълум қилган маҳаллий вакил Еркегали Танатаров "Фейсбук"даги саҳифасида.

Ижтимоий тармоқларда тарқалган суратларга кўра, ушбу ташаббусни масжид раҳбарияти билдирган. Бепул такси хизматини кўрсатувчи машиналарда "Жанубий Қозоғистон вилоятининг "Аристонбоб" масжиди ёшлар ишлари бўйича ваколатхонаси", деган ёзувни кўриш мумкин.

Испания

Футболчи тўлаган йирик солиқ

- "Мадриднинг "Реал" клуби ҳужумчиси Криштиану Роналду 6 миллион евро солиқ тўлади. У Испания молия вазирлиги ва солиқ хизмати томонидан 15 миллион евролик солиқларни тўламаганликда айбланганди", - деб хабар бермоқда "Marca".

Роналду талаб этилаётган пулларни кўнгилли равишда тўлаб бериб, жиноий иш очилиши ва жиноий таъқибдан қутулиб қолиши мумкин. Акс ҳолда, футболчи йирик жаримага тортилади ва беш йилгача озодликдан маҳрум қилиниши эҳтимолга яқин.

Солиқ идораси маълумотига кўра, Роналду 2014 йилда имидж ҳуқуқларини сотишдан олинган даромадлардан солиқ тўламаган.

ОАВ асосида И. Маҳмадалиев тайёрлади.

Умар Шерхон - 60 ёшда

Минг тўққиз юз эллик еттинчи йилнинг 5 июнида Данғарада таваллуд топган Умар Шерхон ҳозирга ижодкор сифатида танилганига қадар олис ва заҳматли йўлни босиб ўтганлиги рост. Ўрта мактаб хатмидан сўнг, Тожикистон Давлат университетидаги таҳсил, пойтахтдаги ип-газлама бирлашмаси, Республика Халқ назорати комитетида, кейинчалик "Наврўзи Ватан", "Нидои ранжбар" газеталарида, шунингдек, Тожикистон Республикаси Президенти Ижроия аппаратидаги фаолият чинакамига тоблади. Ва бу ўзига хос тобланиш унинг том маънодаги серқирра ижодкор бўлиб етишишига асос бўлди.

Тожикистон Журналистлар (1992), Тожикистон Ёзувчилар иттифоқлари (2002) ҳамда Тожикистон Публицистлари ассоциацияси (2007) аъзоси Умар Шерхон турли соҳаларни қамраб олган турли мавзулардаги жуда кўп асарлар яратган. Унинг, ҳатто, баъзи асарлари тарихий-энциклопедик характерга эга бўлиб, аллақачон, соҳа мутахассислари томонидан кўпланма сифатида фойдаланилаётганига шўҳ ва йўқ.

Бир ижодкор, журналист орзу қилган барча мукофоту ифтихорномалар соҳиби Умар Шерхон "Дўстлик" давлат мукофоти (2000 йил) совриндори ҳамдир. Зотан, у қардош халқлар адабиётларининг таржимон ва тарғиботчисидир. Ўзининг ҳам бир талай асарлари қатор тиллар, жумладан, ўзбек тилига ўгирилиб, китобхонлар бадиий мулкига айланган.

Ажойиб инсон, иқтидорли ёзувчи, маҳоратли журналист, садоқатли дўст Умар Шерхон тафаррук 60 ёш арафасида. Эзгулиқни ўзига шиор қилган ҳамкасбимизга ушбу қутлуғ санани муборакбод этамиз.

"Халқ овози"нинг ижодий жамоаси.

Умар ШЕРХОН

НАДОМАТ

Ҳикоя

Ёз шамоли димоққа чангубор ҳидини урар, ҳаво борган сайин қизиб, юз-кўзларни куйдирар эди. Қуроқчилик ўз ҳукмини ўтказган: гул-гиёҳ, ўт-ўланлар аллақачон қуриб, саргайиб қолган, гўё аланга тили ҳамма нарсани ялаб юборган эди. Ернинг ҳар-ҳар жойи ёрилиб, яччалик чуқур бўлмаган ариқчалар пайдо бўлган. Баланд-паст адирлар узра ўткинчи булутлар увадалари айланиб юрибди.

Суворий от жиловини Сарсарак томонга бурди. Афт-ангори, кийинишига қараганда тоғликларга ўхшаган бу одамнинг кўринриши кўркам ва виқорли эди. Ориқ от эгасининг хотиржамлигини сезгандай аста-секин, бир маромда, зўриқмай кетиб борарди. Юз-кўзларидан тер оқа бошлади. У юз-кўзларини гулдор, анчайин ниққан рўмолча билан суртиб олди. Қотма бўйли, ёши чамаси қирқларга бориб қолган бу одам ветеринар Илҳом Зувайрий эди. Майдалаб кайчиланган ингичка мўйлови ўзига ярашиб турибди. Жингалак қора сочлари дўппи шерозидани нақшларни тўсиб қўйган. У узоқларга қараб хаёлга эрк берди: -Гулнинг подасидан хабар олиб қайтишга улгурмайман. Вақт зиқ...

От аста-секин қадам ташларди. Мол дўхтири адирларга қараб замзама қилди.

Кутилмаганда от қулоқларини динг қилиб, оёғини тошга тиради. Кейин қисқагина кишнади. Илҳом ўзига келиб, атроф-жавонибга олазарак назар ташлади. Адирнинг қуйган этагида қоп-қора шарпа тошдай қотиб ётар эди. У отни қозиққа боғлаб, пастга тушди. Жар ичида ола сигир ўлиб ётарди. Чўқурлик энсиз ва торгина бўлганлиги сабаби, сигир ўрнидан жилолмай ҳалок бўлган. У сигирга зингил солиб қаради. "Бу ўртада Гулнинг подасидан бўлак пода йўқ", ўйларди у. Гулнинг подасидан айрилган сигир бўлса керак. Сигирнинг бир шохи синган, қаншаридаги оласи кўзга яққол ташланиб турарди. У орқадан ўтиб, сигирни чиқариб олишга уринибкўрди. Аммо уддалай олмади. Сигир тамғасидаги рақамларни ён дафтарига ёзиб олди. Кейин яна тепага кўтарилиб тўрт томонга назар солди, ҳеч ким кўринмас эди. У отни миниб, йўлга тушди.

Кун аллақачон ярималган. Суворий галла омборидаги қизғин суҳбат устидан чиқди. Уч-тўрт киши тут остида ҳовуз бўйида гурунғлашиб ўтиришибди.

- Болалар уч-тўрт кундан буён оғизларига гўшт олганлари йўқ, - деди Девлоҳ Илҳомга юзланиб. Илҳом оғиз очишга улгурмасдан: - Кади шўрва жонга тегдими дейман,- деди бошқа бири.

- Насиб қилса, шу бугун кечқурунга бирор насиба илинтирамиз, кўнгил қурғу сезаяпти...

- Кошки шундай бўлса, жонинг ўргилсин...

- Илҳом ака, гўштнинг кўпи одамни қаритади, дейдилар тўғрими шу?

- Тўғри, ҳақ рост, - деди Жонон омборчи гапга қўшилиб.

- Меъёридан ортиқ, гўшт одамнинг қорнига таъсир қилади.

Усто Роҳатнинг бу ишораси қориндор Жононга таалluқли эди.

- Ҳарқалай, биз баъзиларга ўхшаб зиқналик қилмаганмиз, - деди Жонон. У гўё бўлиб ўтаётган пичинглар ижобат бўлади. Ҳали кўрасизлар...

Жонон шундай деб кафтларини ишқалай кетди. Суҳбатдошларнинг ҳаммаси Гул келаётган томонга бурилдилар. Ҳазлаҳат томондан бир отлиқ бамайлихотир ҳаракат қилар эди. Галла ўраётган машиналарнинг овозини айтмаганда, атроф-жавонибдан ҳеч нимадан ҳабар йўқ эди. Ориқ от аста-секин қадам ташлар, ўзига бақамти турган омборни айланиб суҳбатлашиб турганларга яқинлашди. Отнинг икки томонидан босиб турган хуржун кўзлари тўла, зил-замбил эди. Илҳом хуржун тўла мол гўшти эканлигини дарров англади. Унинг кўнглига гулгула тушди. Эҳтимол қалтиради. Баданига ваҳима ўрмалади. Ўша жарга қулаган молни "ҳалоллаганми" деб ўйларди у.

Гул омборхонага кириши билан турганлар уни саволларга кўмиб ташладилар.

- Ноумид шайтон. Сендан умид қилиб турган экан.

- Худо умринги узайтирсин, Гулбой.

- Болаларингдан барака топ.

Илҳом Ширининг қўлидан тутиб четроққа тортди.

-Аниқ айта олмайман. Аммо-лекин, бу ўша кеча ҳаром ўлган молнинг гўшти. Кўнглим гувоҳлик беряпти,- деди у Ширинга қараб. -Кеча Кафтар даштида бир сигир ўлиб ётганди. Илloки, ўз кўзим билан кўрдим.

- Ҳазилингни қўй, Илҳом. Қара, одамлар тоза гўштнинг келишидан қувонib турибдилар. Ўрнимас, қўй ҳазилингни.

Ширин бир зум ўтмай, Илҳомнинг сўзларида жон борлигига ишона бошлади. У Гулга яқинлашиб сўради:

- Гул, бу молга нима бўлибди?

Эрталаб топиб олдик. Кеча пододан айрилиб, бўйни синган экан, Кафтар даштидан ўтаётиб жарга қулабди. Ишонмасанг, Мирзодан сўра.

Илҳом мунозарага қулоқ соларкан, Гулнинг ола-кула бўлиб кетган кўзларига синчковлик билан боқди. Иккиланиб турган Ширин яна сўз қотди.

- Гул, қўйсанг-чи, яхшиликча тўғрисини гапир. Ҳазил қилма. Олиб келган гўштинг ҳалолми?

-Худо ҳаққи ҳалол! Кечаси ди. Борсам тўлганиб ётибди. Ҳалолладим.

Жонон уларга яқинлашиб, Гулнинг кифтларига қоққан бўлди. Турганларнинг кўнглини шубҳа чулғади. Улар бир-варакайига Илҳомга қарадилар.

Илҳом отга яқинлашди. Мансур Ширин билан гўшт тўла хуржунни тушириб олишди. Кейин диққат билан кузата бошладилар. Пўсткаллани кўздан кечириб, ишонч ҳосил қилди. Бу ўша кечаги сигир эди. Шохи синган. Қаншаридa оласи бор.

- Ширин, бу ўша, ҳаром ўлган сигир. Кеча Кафтар даштида кўрган эдим.

Гул бошини қуйи эгиб турар, ранг-рўйи ўчган, қўллари қалтирарди.

Тожикчадан Сайфулло ҚУЛАЕВ таржимаси.

Нафис шеърият

Бо дўстий, бо ваҳдат ту тавонойи

========= Ширу шакар =========

Зинда бош Истиқлол, зинда бош Ватан!
Сен менинг она юрт, Тожикистоним.
Бароям жаннатий, бароям чаман,
Муқаддас тупроғим, боғу бўстоним.
Жовидон бимонад парчами Ваҳдат!
Дўстлиғу бирликдан тоғанмиз иқбол.
Бо ваҳдат ёфта мо роҳи саодат,
Бунёдкор халқинг-ла, топарсан камол.
Бунёди Сангтўда давоми Норак,
Ҳадемай, нур сочар баринги Роғун.
Роҳҳои жаҳоний бодо муборак,
Жаҳон шуҳратига эришдинг бу кун!
Сарвари кишварам - сорбони миллат,
Эмомали Раҳмон, Ватан фарзанди.
Барои пешрафту равнақи давлат,
Курашар халқимнинг азиз дилбанди.
Бо дўстий, бо ваҳдат ту тавонойи,
Қўдратине жаҳонда бўлди намоён.
Офтоби истиқлол диҳад рўшнойи,
Гуллагин, яшнагин, ҳур Тожикистон!

Тўртликлар

Шоҳона ҳаётнинг кераги ҳам йўқ,
Меҳнатдан нонимиз бутун бўлса бас.
Тану жон соғ бўлса, кўнгил бўлар тўқ,
Ўзгача ҳаётни қилмаймиз ҳавас.

Дунёни қутқарар меҳру оқибат,
Дунёни қутқарар ишқу муҳаббат.
Ҳалокат варидан дунё қутулар,
Яхшилик уруғи сепилса фақат.

Жаҳолат тўфони кўзғалган они,
Ҳалокат қаърига тортар дунёни.
Яхшилик олдида ожиздир нафрат,
Дунёни асрагай меҳру муҳаббат.

Дунёнинг ишлари кўп қизиқ экан,
Кимда бор инсофу, кимда диёнат.
Баъзилар қалбингга қадайди тикан,
Кимлардир дўстига қилур хиёнат.

***

Чор атрофни кезганда баҳор,
Гилам ёзар кўм-кўк майсазор.
Атиргулнинг оқ рангларида,
Сенга айтар бир қўшигим бор.
Чорлаб кутар бизни лолазор,
Булбуллараг тўлганда гулзор.
Муҳаббатнинг оҳангларида,
Сенга айтар бир қўшигим бор.
Ёшлик ўзи бир ғўзал баҳор,
Умримизда бўлмагай такрор.
Ишқ садоси жаранглари да,
Сенга айтар бир қўшигим бор.
Кел, ғўзалим, келақол, дилдор,
Висолингга ташнаман, хумор.
Дала, даштнинг ялангларида,
Сенга айтар бир қўшигим бор.

Ҳикматулло ҚУЛМАТОВ, Ҳисор шаҳри.

Санъат фидойилари

САҲНАДАГИ АШАДДИЙ РАҚИБ

У ҳақсизликни кўрса, чидай олмайди. Минг ичига ютишга ҳаракат қилса-да, дилидаги тилига чиқади. Тўғри сўзнинг эса, тўқмоғи...тешаси бор, дейдилар. Унинг сўзларини эшитган аксар одамлар ёмон кўриб қоладилар, устидан қуладилар, таҳқирлайдилар. У ҳам бошқалардай кўрса, кўрмасликка, билса, билмасликка олиб яшайвериши мумкин эди. Лекин иккиюзламачилик қилишга виждони йўл қўймайди. Ким бўлмасин, у амалдорми, пулдорми, қўли узунларданми, аччиқ ҳақиқатни бетига айтаверади...

Гап «Оқ отлар учун валс» спектаклидаги Теша образи ҳақида кетяпти. Бу образни Асқар севиб-севиб яратган, Ҳа, ижро этган эмас, яратган, у билан бирга нафас олган, яшаган. Гўё драматург Шароф Бошбеков у билан узоқ йиллар таниш бўлгандайин, ички асрорини, феъл-атворини ўргангандайин эди. Истеъдодли актёр ва режиссёр Тоҳир Маликов айтмоқчи: -Теша фақат Асқар учун ёзилган, деб ўйлайман. Шароф Бошбеков – ажойиб драматург. У Теша образини қойиллатиб яратган. Мен Тешани Асқарда кўрдим ва унинг ижросига қойил қолдим. Бунақа образларни яратиш ҳар қандай актёрга насиб этавермайди.

Асқар ўзи учун севимли бўлган Теша образи ҳақида сўзлайди. Энтикаётганини, бу ролни соғинаётганини сезди тураман. Худди шу аснода санъатшунослар орасида тез-тез такрорланадиган «саҳна учун туғилган», «саҳнада рол ўйнамайди, яшайди» иборалари ёдимга келаверади. Саҳна учун туғилганлар, саҳнада яшаётганлар эса, ҳеч қачон танлаган касбларидан кўнгил узолмайдилар, қандай шароит бўлмасин, унга фидойи бўлиб қолаверадилар. Ноиложликдан саҳнани маълум муддатга тарк этганларида, тушларига жонажон театр, бир - бирига ўхшамаган қадрдон тимсоллар, яна ҳамкасблар киришади.

Мен хаёлларимдан чалғишга кучи топа оламан-да, Асқардан аслида санъатга иштиёқ, ҳавас, меҳр сизда қачон пайдо бўлган, деб сўрайман.

-Актёрлик касбига ҳавас ёшликдан, мактабда ўқиб юрган пайтимдан бошланган. Жойлари жаннатдан бўлсин, Турсунбой Мадиёров деган ўқитувчимиз бор эди. Шу одам адабиётдан дарс берарди-ю, кичик-кичик саҳначаларни қўярди. Шунга қизиқарди. Бизга санъат сеҳри, кучи ҳақида сўзлаб, роллар бериб, қизиқтириб қўйди. Санъатга қандай боғланиб қолганимни билмай қолдим. У пайтда Тошкентда театр институти борлигини, актёрлар тайёрлашини билмасдим. Катта бўлсам, актёр бўламан деб ўйлардим, холос. Йил сайин қизиқишим кучаяверди. Хуллас, 1973 йили Тоғаяқдаги Абу Али ибн Сино номли 7-ўрта умумтаълим мактабини битирдим. Тошкентга, ўша пайтдаги Островский номли Театр ва рассомчилик институтига бориб, театр ва кино актёри бўлимига ўқишга кирдим. У ерда тўрт йил таҳсил олдим. Устозим – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Иза оса Исаева бизга актёрлик сирларидан дарс бера бошлади. Бошланғич ўқиш даврида саҳнага чиқиш спектакллардан парчалар ижро этишдан бошланарди. Рус драматурги Любимованнинг «Қор бўрони» асарида аскар Шердино, Шаврқнинг «Қор маликаси» асарида шаҳзода роллларини ўйнаганман. Учинчи курсдан бошлаб диплом спектаклига тайёргарлик кетди. Нодар Думбадзенинг «Ташвишланманг, онажон» асарини диплом спектакли қилиб олдик. Унда Теймураз тўртинчи курсга ўтганда япон драматургининг «Турна пати» деган трагедиясини саҳналаштирдик. Савдогар йигит ролини ижро этдим. Спектакл яхши чиқди. Уни Тошкент телевидениесида уч-тўрт марта кўрсатишди...

Ўша кунлар Асқар гўё қанотсиз парвоз қиларди. Авваллига спектаклни кўпчилик бўлиб Тошкентда томоша қилишди. Қишлоққа келса, ҳамманинг огзида гап: -«Турна пати»ни яна кўрсатишаркан. Асқар бор-ку, ҳамқишлоғимиз, ролини қойиллатиб ўйнабди».

- Ўйда «Турна пати»ни ҳамқишлоқлар билан йиғилиб, бирга кўрдик. Қишлоқларнинг бир-бирига: - Қишлоғимиздан фалончи чиқаркан, юриндар, томоша қиламиз, - деб хабаргашаётганини эшитиб, тўлқинланиб кетардим. Ўзимга: - Сени телевизорда кўрдик, ролингни боплабсан, - дейишганда осмондан учиб юрардим. Ўшанда эсдан чиқмайдиган ҳаҳзалар бўлган. Ёшлигимдан кўнглимга тугиб юрган мақсадимга етганимнинг нишонаси ўзини кўрсатди, назаримда.

Аслида ўша пайтдаги Нов ҳозирги Спитамен нохиясидаги Тоғаяқ қишлоғидан Тошкент театр ва рассомчилик (ҳозирги Маннон Ўйғур номли Санъат ва маданият) институтида Асқарнинг яна икки яқин ёқ ўқиди. Кейинчалик бу ҳучлон Спитамендаги Шукур Бурҳонов номли ўзбек музиқали драма театрининг устунларига айланишди. Мутахассисларнинг айтишларича, ҳозирда бу театрни ана шу уч санъаткор – Абдуқодир Яҳёев, Тоҳир Маликов ва Асқар Бойматовларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Узоқ йиллар театрда режиссёрлик қилган, ўнлаб ролларни ўйнаган Абдуқодир Яҳёев эндиликда санъат даргоҳига директорлик қилмоқда. Унинг фикрича, театрни ушлаб турган актёрлардан бири Асқар Бойматовдир.

-Биз ўрта мактабда бирга ўқиганмиз. У мендан бир ёш катта. Битта мактабда ўқиб, қишлоқ кўчаларини бирга чангитиб, катта бўлганмиз. Фикри тоза, гирромлиги йўқ, биров тўғрисида ҳеч қачон ёмон ўйламаган, қалби пок йигитлардан биттаси. Жамият учун, келажак учун жон қуйдиради. Ҳеч қачон бу рол менга бўлмайди, ўйнамайман, деган гапини эшитмаганман. Катта ролми, кичик ролми, болалар учун спектакларга персонажми... Қайси ролни беришса, маромига етказиб чиқаради. Режиссёрнинг кўнглига қараб турмай, ўзи ҳам айрим детал ва штрихларни тоғай саҳнага чиқади. Импровизацияси бор. Рол устида бош қотириб, кечаси-ю кундузи ўйлайдиган актёрларимиздан бири. Берилган ролни аввалига таҳлил қилади. Муаллиф бу рол зиммасига нима юкланган? Бу тимсол билан нима демоқчи? Шуларнинг ҳаммасини тушуниб етиб, ҳис қилгандан кейингина, саҳнага чиқадиган акни, туйғуларимни томошабинларнинг онгига, фикрига, юрагига етказиб бера олган бўлсам, ўқиш вақтида ўрганганларим, устозларим таълими, қилган хизматим бекуда кетмабди, деб ўйлайман,- дейди Асқар.

Йиллар оқар дарё мисол ўтиб кетаверади. Гўё кечагина театрда Асқарга биринчи рол берилган, унинг масъулият юки ёш актёрнинг кўзларидан уйқуни олиб қўйгандайин эди. Энди эса, эрталаб ҳисоблаб қараса, эллиқдан ортиқ катта-кичик рол ўйнаб қўйибди. Тешадан ташқари Лопе де Веганинг «Зўраки табиб» асарида табиб, Жуманиёз Жабборовнинг «Ўжарли фестивалга олиб бордик.

Асқар бу гапларни айтаркан, ўйланиб қолади. Мен эса, худди шу асар ва Эзоп роли ҳақида Абдуқодир Яҳёевнинг сўзларини эслайман:

- Асқар ўйнаган буюк роллардан бири – Эзоп. Унинг бу ролни ижро этишни бир умр орзу қилиб юрганидан хабарим бор. Театримизда саҳналаштирилган «Эзоп» ҳам, Асқар Бойматов талқинидаги бош рол ҳам томошабинларга маъқул бўлди. Асқар театримизнинг устоз санъаткорларидан саналади. Саҳна сирларини яхши билади. Қаерда қачон гапириш керак, қачон жим туриш керак, қачон, қаерга бориш керак, доим ҳисобга олиб иш кўриши зарур, дея ҳисоблайман. Масалан, ҳатто, театр залида саҳнада кечаётган воқеаларга эътиборсиз ўтирган кишига кўзим тушиб қолса ҳам, сира аҳамият бермайман. Балки унинг ўз ўй-хаёли бордир, биз сезмаган ҳис-туйғуга берилиб ўтиргандир. Аслида менинг вазифам ўзимга топширилган ролни ҳаққоний ижро этишдир. У ёғи томошабиннинг ўзига ҳавола. Фикримни бўлиб, ҳам ўзимни, ҳам атрофимдаги шерикларимни чалғитишга сира ҳаққим йўқ. Мен ўз вазифамни тўғри бажаришим керак, холос. Бонрингки, ҳалиги томошабин спектаклни тушунмасдан ўтирганлиги. Лекин театрга адашиб кириб қолган битта томошабинни деб бошқаларни ўйламаслик, яна ўша кўпчиликнинг ҳис-туйғусини ҳисобга олмаслик деган гап.

Асқар сўзлар экан, мен «театр томошабин билан тирик», деган гапни эслайман. Балки театрларга томошабинларнинг кириши камайиб қолганининг сабаби ҳам фақат яхши драмалар йўқлиги, режиссураннинг қотиб қолаётганлиги ёки аксинча бошқалардан ажралиб туришим керак, деган мақсада синалмаган йўллардан бориб саҳналаштиришдагина эмасдир? Балки айнан айрим санъаткорларнинг томошабинларни назар-писанд қилмасликлари, ўзларига берилган ролларни шунчаки ўйнаётганликлари ҳам бунга сабабдир.

Шукур Бурҳонов номли театрнинг маҳоратли санъаткорларидан бири Тоҳир Маликовнинг фикрича, Асқар Бойматов ҳеч қачон бу каби актёрлар тоифасига кирмаган.

-Асқарнинг санъатда ўз йўли, дунёқараши, ориш-тириши бор. Умуман олганда, у ўзгача. Инсон сифатида мен уни ҳурмат қиламан. У ҳақиқий инсон, ҳақиқий ота, ўрнак бўладиган - шахс. Ушбу қиёси дардга тўла. Бошқалар дардини ҳис қиладиган инсонлардан у. Ўзаро курашувчан. Кўриб турибсиз, кўрмасликка оладиган одамларни ёқтирмайди. Нега тўғри гапни гапира олмайди, нега иккиюзламачи, нега бетига ниқоб тортиб олган, дейди. Худди Теша образининг ўзгинаси. Санъаткор сифатида ўз касбига жиддий қарайди. Тўғри тушунишларини истайман, Асқар – ҳаётдаги энг яқин дўстим, лекин саҳнада эса, ашаддий рақибим.

Ашаддий рақиб! Бу санъаткорнинг санъаткорга берган катта баҳоси эди, аслида.

Дўстлари, томошабинлар ҳурматига сазовор бўлган Асқар агар яна ёшарай қолса, қайтадан актёрлик касбини танлашини айтади.

-Санъаткорликдан бошқа касбни тасаввур қила олмайман. Агар борди-ю, умуман бунинг учун заррача имконият бўлмаганда эди, мен деққончиликни танлаган бўлардим,- дейди Асқар.

Худди шу лаҳза Асқарга қўнироқ қилганимда, далада ишлаётганини айтганлари эсимга тушади. Ўзимча ўйлайман – деҳқончилик ҳам катта санъат эмасми?

Инсон қанча яшамасин, у санъаткорми, бошқа касб эгасими, ушалмаган орзулари бўлади. Асқар Бойматовнинг орзуси жуда қўплаб эркак актёрларникидан фарқ қилмайди, аслида.

- Ушалмаган орзуларим кўп. Қани энди, имконият бўлса, Ҳамлетни ўйнасам. Чунки бу спектакл жуда чуқур фалсафага бой асар. Ёш ўтаверса, одамдаги орзу армонга айланиб бораверади, шекилли. Билмадим, Ҳамлет мен учун ҳозирда орзуми ё армонми?

Мен орзу инсон кўнглини ҳеч қачон тарк этмаслигига ишонib, Асқар билан хайрлашаман. Унинг маъюслик аралашган кулиб турган кўзлари тубидаги маънони сезгандай бўламан-да, санъаткор ўрнини Теша эгаллайди. Ҳа, ўша «Оқ отлар учун валс»даги Теша. Кейинчалик муаллиф – Шароф Бошбековнинг ўзи бу асари юзасидан кино яратди. «Масхарабоз» деб аталган бу филмни кўрмаганлар бўлмаса керак. Кўрганлар эса, филмнинг нега бундай аталганини ҳам тез тушунib олишган, албатта. Шоҳ саройида шох бетига аччиқ ҳақиқатни фақат масхарабоз айта олган. Ана Теша, унинг ортидаги Асқар Бойматов ҳам ҳақиқатни айтишга лаб жуфтлаб туришибди...

Ўришбой УСМОН.

Суратда: санъаткор Асқар Бойматов.

Сўраган эдингиз...

Саволларингизни SMS орқали қуйидаги телефонларга жўнатинг: 2-38-50-30, 2-38-53-36, 93-721-00-20.

РАСМИЙ НИКОҲИМИЗ БЎЛМАЙ ТУРИБ, БОЛАМИЗГА ГУВОҲНОМА ОЛСАК БЎЛАДИМИ?

САВОЛ:

- Мен Россия Федерациясида бир юртдошим, яъни Тожикистон фуқароси билан оила қурдим. Ҳомиладор бўлганимдан кейин Тожикистонга қайтдим ва никоҳимизни шу ерда расмийлаштирмоқчи бўлдим. Шу орада фарзандимиз дунёга келди. Бироқ фуқаролик ҳолатини қайдга олиш бўлими масъуллари никоҳни расмийлаштириш пайтида турмуш ўртоғимнинг ҳам шу ерда бўлиши керак-лигини айтишди. Никоҳ бўлмаса туғилганлик ҳақида гувоҳнома бериш ҳам қийин эмиш. Турмуш ўртоғим айни пайтда Россияда ва қайтиб келолмайди. Агар келса, ҳозир ишлаб турган яхшигина иш жойидан ажралиб қолади. Бу ҳолатда нима қилишим керак?

Хурмат билан: Н.А.

ЖАВОБ:

-Ҳар бир ғўдак махсуслаштирилган тиббиёт муассасаси, яъни туғриқонада дунёга келиши керак. Бу муассаса боланинг онасига туғилганлик ҳақида расмий маълумотнома беради ҳамда у болани давлат қайдига олиш вақтида асос бўлади. Агар бола туғилгандан кейин, уч ой муддатда турмуш ўртоғингиз Тожикистонга келолмаса, болани қайдга олиш никоҳи бўлмаган ота-оналардан дунёга келган болалар туғилишини қайдга олиш қоидалари асосида амалга оширилади. Бундай ҳолатда фамилия ўрнига сизнинг кўрсатманги асосида маълумот киритилиб, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома берилади. Агар бу турдаги қайдга олиш ва туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома олиш сизга маъқул бўлмаса, унда судга оталикни аниқлашга оид даъво аризаси билан мурожаат қилинг. Шунингдек, турмуш ўртоғингиз судга унинг иштирокисиз даъво аризасини кўриб чиқилиши учун ариза киритиши лозим. Шунда суд ҳукмига асосан унинг оталини аниқланади.

Ш. ХОЛМУРОДОВ, адвокат.

ЭЪЛОН * ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН**

БАРҲАММ ЕХЎРАД

ҲДММ «Фарҳод», ки бо шаҳодатномаи № 0242464 ва РЯМ 3810002552 фаъолият мекард ва дар нозироти н. Шаҳритуз 23.04. 2013 с. аз қайд гузашта буд, фаолияташро қатъ мекунад.

***

Кооперативи истеҳсолии "Назруллозода", ки бо РЯМ 3310003199 фаъолият мекард ва дар нозироти андози н.Ҷ.Балхӣ 11.06.2010с. аз қайд гузашта буд, фаъолияташро қатъ менамояд.

ЭЪТИБОР НАДОРАНД

Шаҳодатномаи гумшудаи ҲДММ «Фарҳод» № 0242464, ки бо РЯМ РЯМ 3810002552 фаъолият мекард ва дар нозироти н. Шаҳритуз 23.04. 2013 с. аз қайд гузашта буд, аз эътибор соқит карда шавад.

***

Патенти гумшудаи соҳибкори инфиродӣ Аҳмадов Рустамҷон, ки бо РЯМ 6530001940 ва РМА 65500248 фаъолият мекард ва дар нозироти андози н. Шаҳристон 26.09.2012 с. аз қайд гузаштаast, аз эътибор соқит карда шавад.

***

Патенти гумшудаи соҳибкори инфиродӣ Холов Тӯрабек Исоқович , ки бо РЯМ 5330055491 фаъолият мекард ва дар нозироти андози н. Деваштич 01.09.2016с. аз қайд гузашта буд, аз эътибор соқит карда шавад.

***

Атестати гумшудаи Т-ШТА №0060865, ки онро МТМУ №16-и н. Рудакӣ ба номи А.Обилов соли 2007 ба Ҳайдаров Нурали Холиқулович додаast, аз эътибор соқит дониста шавад.

***

Атестати гумшудаи Т-АТУ №0241944, ки онро МТМУ №177-и н. Рудакӣ соли 2016 ба Азимов Илёсидин Азимович додаast, аз эътибор соқит дониста шавад.

***

Шиносномаи гумшудаи сиспилаи А1207499 аз 26.12.2000, ки онро ШКД Ҳукумати н.Ленин ба Тоирова Муҳаббат Иброиҷоновна додаast, аз эътибор соқит дониста шавад.

***

Соҳибкор Ҳикматов Акбаршо , ки бо патенти №0235542 ва РЯМ 1030022767 фаъолият мекард ва дар нозироти андози н.Ваҳш 09.05.2016с. ба қайд гирифта шудааст аз эътибор соқит карда шавад.

***

Шартномаи хариду фурӯши таҳти №1Ш-800 аз 04.04.2008с. ва шиносномаи техникии таҳти №1744 аз 28.03.2008с. ки ба Раҳфова Зебунисо Исматуллоевна бо суроғаи к.Н.Қарабоев 78/1, ҳуҷраи -9 тааллуқ дорад ,бо сабаби гумшуданаш аз эътибор соқит дониста шавад.

***

Шиносномаи техникӣ аз 02.01.1990с.,ки ба шаҳрванд Муҳиддинов Ёқуб Абдулович бо суроғаи н.Шоҳмансур,к.Теппаҳои Шарқӣ кв.15,уч.104 тааллуқ дорад аз эътибор соқит карда шавад.

***

Патенти гумшудаи соҳибкори инфиродӣ Ишанҷонова Зульфиён Аминҷоновна, ки бо РЯМ 3330051084 фаъолият мекард ва дар нозироти андози н. Ҷ. Балхӣ 15. 11. 2015 с аз қайд гузаштаast, аз эътибор соқит карда шавад.

Дўстимиз, Рўдакий ноҳияси, Чоргултепа қишлоқ жамоатининг Орзу қишлоғи маҳалла раиси Ҳасанбой Олимовга опаси

ТУРСУНОЙнинг

оламдан ўтганлиги туфайли чуқур ҳамдардлик билдирамиз. Бу мусибатли кунларда марҳуманинг барча яқинлари-ю, қавму қариндошларига сабри жамил тилаб, Парвардигордан у кишининг жойларини жаннатдан ато қилишини сўраб дуо қиламиз.

Бир гуруҳ дўстлари.

√ Тадбиркор – элга мададкор

ТАМАГИР ТЕКШИРУВЧИЛАР

ёхуд тадбиркорлар йўлидаги тўсиқлар хусусида

Сўнгги йилларда мамлакат олий раҳбарияти ташаббуси билан тадбиркорлик ҳамда хусусий сектор фаолиятини ривожлантириш, уларнинг қонуний манфаатларини қўллаб-қувватлаш ва қулай шарт-шароит яратиб бериш борасида қатор чора-тадбирлар кўрилаётганлиги барчага аён. Бу соҳага оид қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, қабул қилинмоқда. Уларда тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш, тартибга солиш, давлат идоралари билан улар ўртасидаги муносабатлар ҳам очиқ-ойдин белгилаб қўйилган. Шундай бўлса-да, айрим текширувчи ва назорат органлари томонидан тадбиркорлар фаолиятига сунъий тўсиқлар қўйиш, ўринсиз аралашиш ҳамда кўплаб текширишлар ўтказиш ҳоллари учраб турибди. Бу ҳолат нафақат элга мададкор - тадбиркорлар, балки Давлат бошлиғининг ҳам ташвиши сабабига айланганлигининг гувоҳи бўлдик. Бунинг исботи ўлароқ, Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг 2016 йил 22 декабрда мамлакат олий қонунчилик органи - Олий Мажлиса йўллаган Паёмида бу масалага оид билдирган фикрини келтириш ўринлидир: **- «… шуни таъкидлаш жоизки, тўғридан-тўғри сармоялар ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун қулай шароитни яратиш йўналишида шу пайтгача баъзи бир сунъий маъмурий тўсиқлар кўзга ташланмоқда…**

… Ўтган йили тегишли идоралар фаолиятларини тартибга солиш учун Тожикистон Республикасининг «Хўжалик субъектлари фаолиятини текшириш тўғрисида»ги қонуни янги таҳрирда қабул қилинди.

Бироқ текширувчи ва назорат органларининг катта қисми ҳамда ўринсиз текширувлар тадбиркорларни асоссиз ташвишга солади.

Шунинг учун, Иқтисодий тараққиёт ва савдо, Молия вазирликлари, Сармоялар ва давлат мол-мулкини бошқариш давлат комитетига мазкур масалани ҳар томонлама таҳлил қилиш ҳамда Ҳукумата текширувлар камайтирилиши, уларнинг янада шаффофлашуви ва соддалаштирилиши борасида тепишли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатни тавсия этиш топширилади».

Давлат раҳбари томонидан тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиш, улар олдидаги турли тўсиқ ва асоссиз текширувларни камайтиришга оид берилган бундай топшириқларнинг тегишли давлат тузилмалари томонидан қатъий ижро этилишини таъминлаш лозим.

Негаки, ҳозирги шароитда давлат иқтисодиёти ривожи ва халқ фаровонлигини таъминлашнинг асосий омилларидан бири бу, албатта, тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар манфаатларини қонун доирасида ҳимоялаш ҳисобланади. Ҳақиқатдан ҳам, тадбиркор қандайдир бир катта ёки кичик ишлаб чиқариш корхонаси, дўкон, савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуаларини ташкил этиш билан ўзи учун даромад олибгина қолмасдан, балки ўша жойда истиқомат қилувчилардан уч-тўрт нафарини иш ўрни билан таъминлаб, давлат учун солиқ тўлайди. Шу йўл билан у мамлакат тараққиётига оз бўлса-да улуш қўшади. Бироқ ўз интилиши, саъй-ҳаракати ўлароқ даромад олаётган тадбиркорлардан «бирор нарса» умид қилиб турганлар ҳам талайгина. Меҳнат қилмай, мансаби ва вазифасини суиистъмол қилиб, мўмай даромад олишни истаганлар кам дейсизми? Тадбиркорлар эса, улар учун асосий «ўлжа».



Бечора тадбиркор кичкина бир корхона очиш мақсадида ижозатнома олиш, ўз фаолиятини қайддан ўтказгунча, қанчадан-қанча идоралар эшигига бош суқиб, неча кишиларни «хурсанд» қилади. Бундай югур-югурлардан қутулиб, энди нафас ростлайман деганда, яна текшир-текширлар бошланишини айтмайсизми? Бирини қузатмасдан, иккинчиси келиб турган «текширувчилар» кўп бўлган бундай ҳолатда бечора тадбиркор қачон қаддини тиклаб, қачон хотиржам фаолият юритади?

Бир суҳбат доирасида доимий равишда газета мутолаа қилиб борадиган танишимнинг гапи диққатимни тортди.

– Мен кўп газета ўқийман. Шу сабабдан улардаги эълонларга ҳам бир кўз югуртириб кўяман. Корхона ва кичик тадбиркорлар ўз фаолиятларини тўхтатаётганликлари ҳақидаги эълонлардан ажабланаман, - дейди у сўзида давом этар экан, - бунинг сабаби нимада бўлса?

Ўшанда унинг гапларига эътибор бермаган эканман. Лекин бир куни газетага шу масалада эълон бермоқчи бўлиб келган кишининг сўзларини тинглаб, юқоридаги гапларга ёдимга тушди.

– Ўзи кичкина бир дўкон очгандим. Фаолият бошлаганимга ҳали кўп ҳам бўлгани йўқ. Қилган харажатларимни қоплашга ҳам улгурмадим. Шундай бўлса-да, дўконни комитетининг Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармасида бўлганимда ҳам: - «Жорий йилнинг уч ойи мобайнида фалон миқдордаги юридик шахслар фаолиятларини тўхтатибди. Бунинг сабабларини ўрганиб чиқиш лозим», - дея гаплашаётганлар суҳбатига гувоҳ бўлдим. Бунинг асосий сабаби, аввало, тадбиркорлар ўз олдидаги тўсиқлар ўлароқ эркин фаолият юрита олмаётганликларида эмасмикан, деган савол туғилади кишида. Сўнгги тўсиқ деганда бир нечтасини санаб ўтиш мумкин: ижозатнома бериш жараёнининг мураккаблиги, солиқларнинг юқорилиги ва энг катта «гов» эса, ҳар бир келганида «ўз ҳақи»ни олиб кетадиган текширувчилар…

Бу борада тадбиркорлар фикрини билмоқчи бўлганимизда, кўпчилиги: - «Иш бор жойда, камчилик ҳам бўладида», - дейиш билан чекландилар. Нега десангиз, улар бирор кишига бу масалада оғиз очишга ҳам қўрқиб қолишган. Тадбиркорлар ўзларини шу даражада четга олишадики, ҳатто, кўпчилик улар ҳақида билишини ҳам истамайди. Шаҳар ёки чекка бир қишлоқда янги фаолият бошлаган тадбиркор олдига борib, газета орқали у ҳақда бирор мақола ёзиш истагингиз борлиги тўғрисида гапирсангиз: - «Келинг, шу газетага бермай кўя қолинг. Агар газетага мақтаб чиқдиган бўлсангиз, бошим балога қолади. Текшир-текшир баҳосида бугун униси, эртага буниси келиб-кетишаверади. Ўзи бир амаллаб ижозатнома олиб, энди фаолият бошладим...» - дейди.

Тадбиркор дегани текширувчидан шунчалик безиб қолганки, ҳатто, нотаниш бир киши келаверса ҳам ҳовликиб қўшишни мақсад қилган тадбиркорлар йўлидаги асосий тўсиқ, дейиш мумкин.

Тадбиркор ва текширувчи органлар ўртасида бўладиган қонун доирасидаги муносабатлар эса, мамлакат Президенти томонидан 2015 йил 25 декабрида имзоланган Тожикистон Республикасининг «Хўжалик субъектлари фаолиятини текшириш тўғрисида»ги қонуни асосида тартибга солинган. Мазкур қонун мулк шаклидан қатъий назар, текшириш, уни ўтказишнинг ягона тартиби ва расмийлаштирилиши, хўжалик субъектлари, текширув ўтказадиган орган мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ҳуқуқий асосларини белгилаб, фуқаролар саломатлиги, уларнинг қонуний манфаат ва ҳуқуқлари, атроф-муҳит, миллий хавфсизлик ва текшириладиган хўжалик субъектлари фаолиятини ҳимоя қилишга қаратилган.

Унда ваколатли давлат органларининг хўжалик субъектлари фаолиятини текшириш соҳасидаги ваколатлари, текширув ўтказиш намунавий қоидалари, асосий принциплари, текширув органлари ва уларнинг мавзулари, текширув ўтказиш учун асос, текширувларни қайдга олиш дафтари ва шунга ўхшаш барча масалалар аниқ белгилаб қўйилган. Мазкур қонуннинг 13-моддаси 2-бандида белгиланган талабга кўра, «Текширувчи органнинг мансабдор шахси текширишларни қайдга олиш дафтарига қайд этмаган тақдирда текшириш учун йўл қўйилмайди».

Шундай экан, тадбиркорлар ҳам ўз ҳуқуқлари учун курашиб, ҳар доим давлат ҳимоясида эканликларини ёдда тутган ҳолда, ҳар бир текширувчидан текширувини дафтарга қайд этишларини чўчимасдан талаб қилишлари керак. Бундан ташқари, Паёмда таъкидланганидек, Иқтисодий тараққиёт ва савдо, Молия вазирликлари, Сармоялар ва давлат мол-мулкини бошқариш давлат комитети Ҳукуматга мазкур масала юзасидан аниқ бир тегишли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатни тезлик билан тавсия этишса-ю, текширишга ваколатли органлар раҳбарлари ҳам ўз ходимларига қилаётган ишларга жиддий эътибор қаратсалар яхши бўларди…

Зуҳриддин УМАРОВ, «Халқ овози».

БИЛИМДОНЛАР БЎРЧАГИ

Ҳурматли билимдонлар!

Саволлар газетамизда мунтазам бериб борилмоқда. Бир ой давомида тўғри жавоб йўллаб, туҳфамизни қўлга киритинг.

1. Инсонда бир аъзо борки, у ҳар 100 кунда янгиланади. **У қайси аъзо?**

2. Санкт-Петербургда янги техника магазини очилди. Унинг номи "Титаник" эди. Тез орада унга рақобатчи магазин очилди. **Магазин қандай аталган?**

3. Таниқли лашкарбоши - шоҳ Кир Іننинг севимли оти Дажла дарёсига ғарқ бўлиб ўлади. Ғазабланган ҳукмдор дарёни жазолашни буюради. Бу - ақл бовар қилмас жазо эди. Лекин шоҳнинг амри вожиб - жазо амалга ошади. **Савол: Кир II дарёни қандай жазолаган?**

4. Киви деган жонзот мавжуд. У ўзи товуқдан кичкина бўлса ҳам, товуқниқидан тўрт баробар катта тухум қўяди. **Савол: бечора кивининг деярли ўзи билан баробар тухум туғишининг сабаби нимада бўлиши мумкин?**

5. Бу мосламани илк бор 1670 йилдан сўнг немис устаси Эрхард Вейгел Венада турар жой биносида қурган эди. Кейинчалик уни ривожлантиришда америкалик инженер Эминей Отис ўз ҳиссасини қўшди. Мана, 347 йилки, у инсониятга беминнат хизмат қилиб келмоқда. **У мосламанинг номини айтинг.**

Ҳурматли муштарийлар!

Тўғри жавобни 93-343-22-73 телефон рақамига ёки abdurazokova@bk.ru электрон почтасига SMS орқали юборишингиз мумкин. Жавоб йўллаш муддати - бир ой.

Рамазон туҳфаси

Ифтор қилишнинг олтин қоидалари

Узоқ муддатли очлиқдан сўнг, мазали таомларга тўла ифтор учун безатилган тўкин дастурхон Рамазонда соғлом овқатланиш ҳақидаги орзуларимизни чеклаб қўйиши мумкин. Агар тўғри амалга оширилса, Рамазон рўзаси соғлигимиз учун кони фойда, акс ҳолда, инсон саломатлиги учун зарар бўлиши мумкин.

Рамазонда соғлом овқатланиш кераклигини ва фақат яни масаллиқлардан таом тайёрлаш жоизлигини ёддан чиқармаслик керак.

Ушбу Рамазон ойида соғлом овқатланиш учун қуйидаги маслаҳатларга амал қилишингизни тавсия қиламиз:

1. Овқатланишни хурмодан бошланг. Хурмолар - оқсилларнинг манбаси бўлиб, фақат бир кунга етувчи қувват берувчи таомдир. Хурмо толалари овқат хазм қилиш тизимининг вазифаларини ўз назоратига олади. Шунингдек, хурмолар магний ва калий моддаларига бойдир.

2. Кўп сув ичинг. Бу йил Рамазон ёз ибтидоси - жавзога тўғри келди, шу сабабли, бадан иссиқ об-ҳавода сувсизланиб қолмаслиги учун етарли миқдорда сув ичинг. Саҳарликдан кейин ва тонгача, кун давомида чанқаб қолмаслик учун кўпроқ сув ичиб олинг. Ҳали овқатланиш мумкин бўлган вақтда 8 стакан сув ичишга ҳаракат қилинг. Чанқоқликни чақирувчи меволарни ейишдан сақланинг. Баданда чанқоқлик ҳиссини уйғотувчи сабзавотларни ҳам камроқ енг. Тузли маҳсулотларни, хусусан, тузланган консервалар, ёнғоқ, бодринг, балиқларни еманг. Шиноқлар, зираворлари кўп бўлган таомлардан ҳам чекланинг, улар ҳам чанқашга сабаб бўлади. Кўпроқ мевалар ва сабзавотларни истеъмол қилинг, чунки улар организмдаги сув захирасини тўлдиради.

3. Секинлик билан таомланинг. Узоқ оч бўлишликдан кейин кўп миқдорда таомланиш бадан учун стрессдир. Иложи борича, ўрталикка риоя қилинг, ифторни хурмо билан бошланг, сўнг сув ичинг, ундан кейин эса, шўрва ва салат ейиш мумкин. Озроқ муддат ўтказиб асосий таомни ейишга киришса бўлади. Ортиқча таомланиш овқат ҳазм қилишдаги муаммолар ва ошқозондаги оғриққа сабаб бўлиб қолиши мумкин. Ифторни иссиқ шўрва билан бошлашлик, узоқ очлиқдан кейинги энг яхши таомланиш ҳисобланади, чунки у организмдаги озуқавий моддалар захирасини тўлдиради ва баданни асталик билан қаттиқроқ таомга тайёрлайди.

4. Овқатингизда барча дармондорилар бўлишига ишончингиз комил бўлсин. Ифторда оқсиллар, сабзавотлар, мевалар ҳамда фойдали ёғлар бўлиши керак.

5. Фойдали маҳсулотларни танланг ва улардан фойдаланинг. Рационингизда ёрма, қўқраг ғўшти, ёғсиз ғўшт, балиқ, зайтун мойи ва мевалар бўлсин.

6. Қовурилган, тузланган ва ўта ёғли таомларни чекланг. Ғўшт, тухум ва сут маҳсулотлари оқсилга бой ҳисобланади. Юқоридаги маҳсулотлардан ҳеч бўлмаганда биттасини истеъмол қилиш керак.

7. Ширинликлардан ҳам чекланинг. Ширинликлар ифтордан кейин қорин дамланишга сабаб бўлади ва овқат ҳазм қилишни ёмонлаштиради. Бундан ташқари, у қон таркибидаги глюкоза миқдорини ошириб юборади, натижада ширинликка бўлган талаб яна ортиб кетади. Шунинг учун, ширинликни ифтордан 2-3 соат кейин истеъмол қилиш тавсия этилади. Лекин энг яхшиси, ширинликнинг ўрнини ширин хурмолар, қуруқ мева ва мевалар билан босиш керак.

8. Рамазонда кофе миқдорини камайтириш керак, акс ҳолда у бош оғриги ва уйқусизликка сабаб бўлиши мумкин.

9. Рамазонда уч қисмли овқатланиш ҳам муҳим ўрин тутади. Асосий таомни уч қисмга бўлинг. Учдан бири - қучли оқсиллар, яна учдан бири - ёғсиз ғўшт ва балиқ, қолгани эса, сабзавотлар бўлсин. Бу овқатланишдаги соғлом мўътадилликка сабаб бўлади.

А. САИД чопга тайёрлади.

ХАЛҚ ОВОЗИ

«Овози халқ» - бо забони ӯзбекӣ.
Нашрияи Ҳукумати Ҷумҳурии Тоҷикистон.
«Голос народа» - на узбекском языке.
Издание Правительства Республики Таджикистан.

Учредитель:
Правительство Республики Таджикистан
Регистрационный номер 13 р-106.

Бош муҳаррир
Ёқубжон
АБДУМАНОНЗОДА

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулҳоҳ - 2-38-54-02.
Бош муҳаррир ўринбосари - 2-38-53-36,
котибот - 2-38-50-30, бухгалтерия - 2-38-55-70.

Манзилимиз: 734018, Душанбе шаҳри, Саъдий Шерозий хиёбони, 16.

Таҳрир ҳайъати:
Раҳмон Озода Эмомали - ТР Президенти Иҷроия аппарати раҳбари
Абдуҷаббор Раҳмонзода - ТР Президентининг иҷтимоий тараққиёт ва жамоатчилик билан алоқалар масалалари бўйича ёрдамчиси
Ўлмас Жамол - шоир
Эркин Шукуров - бош муҳаррир ўринбосари
Искандар Маҳмадалиев - масъул котиб
Гулфинур Аюпова - бўлим муҳаррири
Абдулло Саидов - бўлим муҳаррири

Газетада босилган материаллар, эълонлар ва рекламалар учун муаллиф жавоб беради. Таҳририят фақат асл нусхаларни қабул қилади. Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Таржималар таҳририят топшириғи билан қабул қилинади. Редакция фақат компютерда Times New Roman Tj -14 гарнитурасида терилган мақолаларни қабул қилади.

Навбатчилар:
1. А. Саидов. (1-4 сах.)
2. З. Умаров. (5-8 сах.)
Чоп масъули: И. Маҳмадалиев.

Электрон почтамиз: Halkovozi1929@mail.ru

Сайтимиз: http://khalkovozi.tj/

Газетамизда чоп этилган мақолалар учун қалам ҳақи фақатгина СИН - Ижтимоий шахсий рақами мавжуд муаллифларга берилади.
СИН рақами олиш учун доимий иш жойидаги ҳисобчига мурожаат этиш лозим.
Редакциянинг қалам ҳақини почта орқали жўнатиш имконияти чекланган.

Босишга рухсат этилди: 31 май соат 14[00]
Тиражи 6066 нусха.

Газетанинг сотув нархи - эркин.

Газета отпечатана офсетным способом в типографии ИПК «Шарки озод», пр. Саъди Шерози, 16. Индекс 68876.